Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 11 октябрь, сешанба № 153 (21.757). Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон—Тожикистон:

АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ ҚАРДОШЛИК

СУРАТДА: декларацияни имзолаш пайти.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

8 октябрь куни Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов раҳбарлигидаги шу мамлакат делегацияси расмий-амалий ташриф билан Тошкентга келди.

Икки давлат байроқлари билан безалган Тошкент аэропортида Тожикистон раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди.

Шу куни пойтахтимизнинг муҳташам Халқлар дўстлиги саройида икки давлат расмий делегацияларининг музокаралари бошланди. Дўстлик ва қардошлик рамзига айланган ушбу саройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди.

Сўнг расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари ўтказилди.

Мулоқот чоғида Ислом Каримов ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорликнинг қадим тарихга эга эканини таъкидлар экан, қондош ва жондош элларимиз тақдири бир бири билан узвий боғланиб кетганини алоҳида қайд этди.

— Ана шу сабабли халқимиз тожик халқининг дардини ўз дарди деб қабул қилди,— деди Ўзбекистон Президенти.— Мушкул кунларда унга ёрдам қўлини чўзди. Биз қардошлар диёрида тезроқ тинчлик ва осойишталик қарор топишини истаймиз. Шу боис муҳолиф томонларни тезроқ муросага келтириш, тожик халқининг иқтисодий муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш учун халқаро ҳамжамият эътиборини жалб этяпмиз.

Ислом Каримов Тожикистондаги вазият хусусида сўзлар экан, мамлакат мустақиллиги ва равнақи учун курашувчи барча сиёсий кучларнинг шу йил ноябрь ойида бўлиб ўтадиган Президент сайловида тенг иштирокини таъминлаш ва халқнинг барча қатламлари бу долзарб масалага ўз муносабатини холис билдиришига имконият яратиш ниҳоятда муҳимлигини таъкидлади. Ўзбекистон дўст мамлакат халқининг мушкул кунларида бундан буён ҳам ёрдамини аямаслигини билдирди.

Тожикистон Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов қардош Ўзбекистоннинг тожик халқига инсонпарварлик ёрдамини, Президент Ислом Каримовнинг минтақада тинчлик ва осойишталикни таъминлаш борасидаги ташаббусларини юксак баҳолади. Бу йилги ҳосилни нест-нобуд қилмай териб олиш ва келгуси йил ҳосили учун замин яратиш ҳамда қишнинг талафотсиз ўтиши учун ёқилғи ва газ етказиб беришга кўмаклашиш хусусидаги илтимоси қондирилгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик изҳор этди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар чоғида Ўзбекистон томонидан республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов Тожикистон томонидан республика Вазирлар Кенгаши Раиси А. Самадов, Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари Р. Ғофуров ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация имзоланди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов имзоладилар.

Шундан сўнг Ислом Каримов ва Имомали Раҳмонов маҳаллий ва хорижий журналистлар билан учрашиб, уларнинг музокара ва мулоқотлар якуни юзасидан берган саволларига жавоб қайтардилар. Ҳар икки давлат раҳбарлари бу учрашув чоғида қўшни Афғонистонда тезроқ сулҳ ва осойишталик қарор топиши минтақада тинчлик ва барқарорлик таъминланишининг муҳим омили эканини яна бир карра таъкидладилар. Шу сабабли Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш ва бошқа тегишли халқаро ташкилотлар афғон тупроғида тезроқ сулҳ ва осойишталик ҳукм суришига эришилиши йўлидаги саъй ҳаракатларини кучайтиришлари лозимлигини айтдилар.

Шу куни Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов раҳбарлигидаги расмий делегация Тошкентдан Ватанига жўнаб кетди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВАЛЮТА БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Миллий валюта — сўмнинг ички эркин муомалада бўлишини таъминлаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида **Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 1994 йил 15 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган ва резидентлари бўлмаган юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги барча тўловлар ва ҳисоб-китоблар фақат миллий валютада — сўмда амалга оширилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг жисмоний шахслари ўзларининг валюта счётлари ва банклардаги омонатларидан маблағларни, шунингдек, улар бўйича фоизларни чет эл валютасида ёки сўмда белгиланган тартибда олиш ҳуқуқига эгадирлар. Юридик шахсларга республика ҳудудида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун вакил қилинган банклларда сўмларда ҳисоб-китоб счётлари очиш тавсия қилинсин.

2. 1994 йил 15 октябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомаладаги валюта (ЭМВ)да савдо қилиш ва хизматлар кўрсатиш, шу жумладан хорижий фуқароларга тақиқлансин.

Эркин муомаладаги валютага сотиб олинган товарларни сотувчи савдо корхоналари ва ташкилотлари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар нархномаларда товарнинг эркин муомаладаги чакана нархини кўрсатсинлар ҳамда амалдаги валюта алмашиш курси кўрсаткичларини алватта илиб қўйсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига вакил қилинган банклар ва Ўзбекистон Республика валюта биржаси аъзолари сонини кенгайтириш, валюта оборот миқдорларини ҳар томонлама кўпайтириш чораларини кўриш тавсия қилинсин. Юридик ва жисмоний шахсларнинг валюта алмаштириш бўйича савдоларда вакил қилинган тегишли банклар орқали қатнашишлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 21 июлдаги қарорининг 5-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари Б. С. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 7 октябрь.

• Халқаро симпозиум

МЕЪМОРЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Кеча Тошкентда «Архитектура ва қурилиш фанининг Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни» мавзуида Халқаро симпозиум иш бошлади. Уни «Даваархитекқурилишқўм» ва Тошкент архитектура-қурилиш институти биргаликда ўтказяпти. Республиканинг сейсмик, тупроқ-геологик ва иқлим шароитида бинокорликнинг ўзига хос хусусиятлари; маҳаллий хом ашёлар, саноат ва қишлоқ хўжалик чиқиндиларидан қурилишбоп буюмлар, конструкциялар ишлаб чиқариш; меъморчилик ва шаҳарсозликнинг долзарб муаммолари, шаҳар ва қишлоқ қурилишида миллий анъаналарнинг қайта қўлланилиши сингари мавзудаги масалалар анжуман қатнашчиларини қизиқтириши шубҳасиз. Қолаверса, мазкур симпозиумда узоқ ва яқин хорижлик ҳамда ватанимиз олим, мутахассис ва ишбилармонлари иштирокида бинокорлик мажмуининг долзарб муаммолари муҳокама этилиб, шу соҳанинг келажак истиқбол дастурилами лини ишлаб чиқиш учун замин тайёрланади.

— Биз шаҳрингизда йўл қурилиш ишларига яқиндан ёрдам беряпмиз,— дейди анжуман қатнашчиси, германиялик Удо Геритке.— «Фегеле», «Бомаг», «Шмидт» сингари фирмаларимизда чиқариладиган турли хил вазифаларни бажарадиган машиналар, йўл қурилиши учун зарур асбоб-ускуналар билан сизларга ёрдам бериш ниятидамиз.

Шуни таъкидлаш жоизки, кейинги пайтда чет эллик мутахассисларни республикамиз уй-жой қурилишида фойдаланадиган маҳаллий хом ашёлар жуда қизиқтириб қўйди. Айниқса, қадимдан қўлланилган пахса, синч деворларнинг зилзилага бардошлилиги, қурилиш ишларида миллийлик, иқлимий шароит, қуёш энергиясидан фойдаланиш масалалари кўпчилик эътиборини тортяпти.

Умида ФАЙЗИЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига

ҲАМ УЛУСНИНГ, ҲАМ САМОНИНГ СУЛТОНИ

ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИДА МИРЗО УЛУҒБЕК ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР БЎЛИБ ЎТДИ

Темурхон наслидан бундай шоҳ ўтмаган,— дея фахр қилган эди Навоий бобомиз. Ҳам улуснинг, ҳам юлдузлар илмининг султони бўлган зотга юртдошлар улуғ эҳтиром билдириб келишмоқда. Президентимиз Фармони билан 1994 йил— Мирзо Улуғбек йили деб эълон қилинган улуғ айём давлат арбобининг тўйини кенг нишонлаш имконини бермоқда.

Гарчанд, Самарқандда ҳукмронлик қилган, тенгсиз илмий кашфиётлар яратган бўлса-да, Мирзо Улуғбек соҳибқирон бобоси таваллуд топган шаҳарга улкан эҳтиром билан қарар эди. Шаҳри Кешда бобоси бошлатган ободончилик ишларини давом эттирганлиги, нодир обидалар қурдирганлиги бунинг ёрқин ифодасидир.

Қадимий Тахтиқорача довони ҳамиша Самарқанд ва Шаҳрисабзни боғлаб турган. Бугун довон йўлининг қуйисида жойлашган Улуғбек номидаги расадхонада буюк мунажжимнинг ворислари жаҳон илм фани ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Айниқса, Шаҳрисабзда юбилейга муносиб тайёргарлик кўрилди. Улуғбек томонидан қурдирилган Кўк гумбаз обидасининг асосан тикланганлиги, бошқа ёдгорликлар ҳам таъмирланаётганлиги тўйга муносиб туҳфа бўлди.

8 октябрь куни шаҳар байрам тусини олди. Мирзо Улуғбек тўйи муносабати билан Тошкент, Қарши ва бошқа туманлардан ташриф буюрган меҳмонларни шаҳрисабзликлар катта ҳурмат билан кутиб олишди. Меҳмонлар ғастлаб Улуғбек қурдирган обидалар ва бошқа ёрғорликларни бориб кўришди. Аллома таваллудининг 600 йиллигига бағишланган йиғин шаҳар маданият саройида ўтказилди. Тантанали йиғилишни вилоят ҳокими Т. Хидиров очди. Халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, машҳур шоиримиз Абдулла Орипов, академик Т. Йўлдошбоев, адабиётшунос олим П. Равшанов ва бошқалар Мирзо Улуғбекнинг юртга қилган хизматлари, илмий адабий мероси ниҳоятда улкан эканлигини тилга олишди. Шаҳрисабз шаҳар ҳокими А. Зайниддинов аллома тўйи муносабати билан амалга оширилган тадбирлар ҳақида гапириб берди. Анжуман иштирокчилари улуғ соҳибқирон Амир Темурнинг қутлуғ тўйига ҳам катта тайёргарлик кўриш лозимлигини алоҳида таъкидлашди.

Тантаналарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев иштирок этди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВА МАРКАЗИЙ БАНКИ ХАБАР ҚИЛАДИ

МУҲАММАД ТАРАҒАЙ УЛУҒБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 600 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮБИЛЕЙ ТАНГАСИ ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан 1994 йил 10 октябрдан қиймати бир сўмлик юбилей ёдгорлик тангаси муомалага чиқарилади.

Сариқ рангдаги юбилей ёдгорлик тангаси мис қотишмасидан тайёрланган бўлиб, Au 99,9 пробали олтин (0,5 мкн) билан қопланган, вазни 16 граммдан иборат.

Юбилей ёдгорлик тангаси диаметри 31 миллиметрли доира шаклида бўлиб, юз ва орқа томони айланасида бўртиқ ҳошия бор.

Юбилей ёдгорлик тангасининг юз томонида Улуғбекнинг қабариқ барелеф тасвири туширилган бўлиб, юқори қисмида айланма шаклида «MUHAMMAD TARAGAY ULUGBEK» ёзуви бўлиб, икки томонидан нуқта билан ажратилган. Қуйи қисмида «1394-1449» ёзуви бор. Фон сифатида астрологик асбоб-ускуна — астролябид тасвири туширилган.

Юбилей ёдгорлик тангасининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири жойлашган, айланма бўйлаб «ÖZBEKISTON RESPUBLIKASI» ва «1 SÖM 1994» ёзуви лотин алифбосида туширилган. Танганинг бутун айланаси бўйлаб нақш солинган.

Юбилей тангасининг бўртган қисмлари тарамтарам чизиқлидир.

Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан муомалага чиқарилаётган юбилей ёдгорлик тангаси чеклланган миқдорда зарб этилган бўлиб, нумизматик қиймат га эга ва кимошди савдоси орқали ўз қийматидан юқори нархда сотилади.

„Оқ олтин" жирмонига

1994 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА 10 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	бир кунда	мавсум бошидан	шу жумладан машинада терилгани: бир кунда	мавсум бошидан
Бухоро	1.28	87.18	0.01	3.63
Хоразм	2.17	83.03	0.33	5.77
Қашқадарё	2.40	81.67	1.76	55.73
Навоий	1.56	79.41	0.93	21.23
Андижон	1.94	75.57	0.65	16.82
Самарқанд	1.63	74.46	0.45	23.45
Фарғона	1.87	74.23	0.41	13.32
Сурхондарё	1.67	69.95	0.66	27.43
Наманган	2.71	67.65	1.48	27.56
Тошкент	2.56	58.87	2.03	40.47
Жиззах	2.15	52.19	1.79	39.04
Қорақалпоғистон Республикаси	2.28	51.82	1.04	14.72
Сирдарё	3.01	44.50	2.56	33.00
Республика бўйича	2.11	69.20	1.24	27.59

Шу кунинг нафаси

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

• Ёрдамчи хўжалик

ДАРОМАД МАНБАЛАРИ

● **НУКУС. (мухбиримиздан). «Денов» хўжалиги Эллиққалъа туманида эмас, қорақалпоқ диёрида ҳам пешқадамлардан саналади.**

Бу ерда пахтачилик билан бир қаторда кичик корхоналар, ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилиб, қўшимча даромад манбаини излашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Кийим-кечаклар тикиш, гилам-палос тўқиш цехлари, маиший хизмат кўрсатиш уйи, телевизор ва радио, холодильник, пойабзал тузатиш корхоналари ишлаяпти. Бундан ташқари йилига 5 миллион шартли банка сабзавот консерваси ишлаб чиқарадиган завод маҳсулот бериб турибди.

Шунингдек, балиқ кўпайтирадиган ҳовуздан бу йил 10 тонна маҳсулот олиш мўлжалланмоқда. Кичик корхона ва ёрдамчи хўжаликлардан 120 минг сўм фойда олиш кўзда тутилмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

• Кичик корхона

КУНИГА 80 ТОННА ПОМИДОР

● **ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). Қамаши туманидаги «Қорабоғ» ширкат хўжалиги ҳудудида Баландчайла қишлоғи бор. Ишбилармон А. Остоновнинг ташаббуси билан бу ерда «Бошланғич» кичик корхонаси очилган.**

Остоновнинг корхонаси кичик деб юритилсада, қуввати Қамашида етиштирилган помидорни қайта ишлашга етади. Чунки тадбиркор йигит Италиянинг Парма шаҳри «Фатафаат» фирмаси билан шартнома тузиб, ускуналар келтириб, унумдор кичик заводни ишга туширишга муваффақ бўлди.

Ҳозир бу ерда кунига 80 тонна помидор қайта ишланмоқда. 44 кишининг ўртача иш ҳақи 400 сўмдан ошмоқда. Тайёр маҳсулотлар эса Беларусь ва Россияга жўнатилиб, у ерлардан эҳтиёт қисмлар, шакар ва консерва келтирилмоқда.

Корхонада ёрдамчи хўжалик ҳам ташкил этилган. 10 бош қўй, 2 бош сигир, 4 бош хўкиз боқилмоқда. ХДП Қамаши туман кенгашининг биринчи котиби Ж. Расуловнинг таъкидлашича, бу корхонанинг очилиши Баландчайла қишлоғидаги кўплаб кишиларни иш билан таъминлаш имконини бермоқда.

Ғози РАҲМОН.

• Тадбиркорлик

ҚЎЛБОЛА ҚУВУРЛАР

● **ФАРҒОНА (мухбиримиздан). Фарғонадаги Қапчиғай темир-бетон буюмлари корхонасида металлдан кам фойдаланган ҳолда қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

Узунлиги 2 метр, диаметри ярим метр бўлган қувурлар кўпчиликка маъқул тушмоқда. Завод мутахассислари бундай қувурларни тайёрлашда 300-маркали цементдан фойдаланишяпти. Маҳсулот ишлаб чиқариш технологиясига айрим ўзгартишлар киритилиши натижасида металлга деярли ҳожат қолмади. Бозор иқтисодиёти шароитида бундай маҳсулотлар темир-бетон қувурлари ўрнини ҳам қоплайверади.

Алишер ИБОДИНОВ.

• Ишлаб чиқариш

ЕРЁНҒОҚНИНГ МОЙИ ШИРИН

● **СУРХОНДАРЁ (мухбиримиздан). Деновдаги «Сурхон» озиқ-овқат саноати комбинатининг мой оқлаш заводида республикада биринчи бўлиб ерёнғоқдан ёғ олиш технологияси ўзлаштирилди.**

— Ишбилармонлар ерёнғоқнинг ёғини хуштаъм ва шифобахш деб баҳолашяпти, — дейди комбинат бош директори Очилди Қодиров.— Айни пайтда мойли пўстлоғидан ўзимизнинг қандолат фабрикамизда ширин кулча — вафли тайёрлашни ўзлаштиришимиз нур устига аъло нур бўлиб турибди.

Олимжон УСАНОВ.

ДИЛИ ВА ТИЛИ БИР ХАЛҚМИЗ

Қурилаётган миллий, демократик ва ҳуқуқий давлатимизни такомиллаштириш ва халқимизнинг туб манфаатларига мос келадиган янги таклифлар бериш, бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли идораларга ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш билан боғлиқ муносабатлар «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинадиган бўлди.

Учинчидан, қонун устиворлиги заминида кучли тартиб ва интизом ўрнатайлик! Ирқи, миллати ва эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлайлик!

Ислом КАРИМОВ.

Бу қонунда таклифлар кўриб чиқилиши ва унинг натижаси таклиф киритган шахсга билдирилиши шарт қилиб қўйилди. Бу эса таклифларнинг кўриб чиқилишини тезлатишга олиб келади. Таклиф қилган кишига кўрсатилган ҳурмат ва эътиборни ифода этади.

Аризалар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш тўғрисида илтимоси баён этилган мурожаатидир. Қонунда аризаларнинг холисона, ҳар томонлама ва ўз вақтида кўриб чиқилиши, бу ҳақда асосланган қарорлар қабул қилиниб, унинг ижроси таъминланиши мажбурийлиги белгилаб қўйилди. Аризалар кўриб чиқилганидан сўнг унинг натижалари тўғрисида аризачига маълум қилиниши шарт эканлиги кўрсатилди.

Агар аризада баён этилган талабларни қондириш рад этилган бўлса унинг сабаблари ёзма тартибда кўрсатилиб, аризачига маълум қилинадиган бўлди.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши мустақилликка эришган халқимизнинг ҳуқуқлари, инсоннинг шаъни, қадр-қимматининг ҳурмат қилиниши, эъзозланишининг қонуний ифодаси бўлди. Чунки бу қонун орқали ҳар бир шахс ноҳақ тўҳматга, бўҳтонга учрамаслиги, номаълум кишининг «юмалоқ» хати қурбони бўлиб қолмаслиги кафолатланди.

Агар илгари «юмалоқ» хатга алоҳида эътибор берилиб, текшир-текшир ҳаддан ташқари авжига чиққан йилларни, ариза ва шикоятлар кўриб чиқилмасдан, қасддан чўзиб юриладиган вақтларни эсласак, бу қонуннинг қанчалик муҳим ҳуқуқий ҳужжат эканлиги янада равшанлашади.

Бировнинг эришган мавқеига, обрўйига, келажагига, қобилияти ва одамийлигига ҳасад қилиб, уни «йўлдан» олиб ташлаш, ўсиб келаётганлигидаёқ «майиб» қилиш, қасд олиш ва шунга ўхшаш ғараз мақсадларда уюштирилган «юмалоқ» хатларга ишониш ниҳоятда авжига етган пайтлар ҳам бўлганлиги эсимизда.

Ҳаётда шундай ҳодисалар ҳам бўлар эдики, агар биров бошқа шахсдан ўч олмоқчи бўлса дарҳол унинг устидан ёлғон, бўҳтон, уйдирмалар тўқиб «нома» ёзар ёки ёздирар эди. Тегишли идорага ана шундай хабар келдими бас, шу заҳотиёқ текшир-текшир бошланиб кетар, арзимаган хатолар топилиб ўша заҳотиёқ шахсни жазолашга тайёр қилиб қўяр эди.

Энди эса «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунга биноан тегишли идораларга фуқаролар мурожаат қилсалар уларнинг фамилияси, исми, яшаш жойи тўғрисида маълумотлар кўрсатилган бўлиши, аниқ қилиб белгиланди.

Қонунда фуқароларнинг мурожаатларига ва уларни кўриб чиқиш тартибига алоҳида эътибор берилди.

Мурожаатлар уни ҳал қилишга ваколати, рухсати бўлмаган ташкилотга берилган бўлса шу ташкилот уни беш кундан кечиктирмай тегишли орган ёки мансабдор шахсга юбориши белгиланди. Энди англашилмасдан юборилган шикоят ёки ариза ўз розилигисиз уларнинг шахсий ҳаётига доир, қонун муҳофазасидаги бошқа сир ҳисобланган маълумотларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига путур етказадиган ўзга ахборотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Фуқароларнинг таклифлари, шикоят ва аризаларини ўрганиш муддати аниқ белгилаб қўйилиши айни муддао бўлди. Энди таклифлар, шикоятлар бир ой ичида кўриб чиқилади. Қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб қилмайдиган масалалар бўлса ўн беш кун муддат ичида ҳал этилиши шарт қилиб қўйилди.

ШИКОЯТ ВА КАФОЛАТ

ойлаб бирон жойда макон топмайди. Уни ёзган киши эшикма-эшик, идорама-идора овора бўлиб, ахтариб юрмайди. Агар мурожаатлар тегишли идора ёки мансабдор шахсга юборилиши шарт бўлмаса унга тегишли тушунтириш берилиб мурожаат қилган шахсга қайтариладиган бўлди.

Юқори турувчи давлат органининг, жамоат бирлашмасининг, мансабдор шахснинг қароридан норози бўлган шахс бу ҳақда судга мурожаат қилишга ҳақли.

Қонунда яна бир муҳим ҳолат белгиланганки, агар бирор ташкилот ёки мансабдор шахснинг ғайри қонуний хатти-ҳаракати устидан шикоят қилинган бўлса, унинг қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини кўриб чиқиш учун ана шу ташкилотга ёки мансабдор шахснинг ўзига қайтариб жўнатилмаслигидир. Бу эса шикоят берган шахс ҳуқуқи, шаъни ва қадр-қимматининг қонуний ҳимояланганлигидир.

Мурожаатлар кўриб чиқилаётганида фуқароларнинг

Ариза ёки шикоят қўшимча материаллар олиш, текширишлар ўтказишни талаб қиладиган бўлса, тегишли орган, корхона, ташкилот раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари бу муддатни бир ойгача узайтиришга ҳақли. Аммо мурожаатни кўриб чиқишнинг умумий муддати икки ойдан ошиб кетмаслиги қатъий белгиланди.

Қонундаги яна бир муҳим қоида,— бу бевосита фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун белгиланган маъмурий ёки жиноий жазо.

Агар мансабдор шахс фуқаронинг мурожаатини кўриб чиқишни ғайри қонуний тарзда рад этса, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатини узрли сабабларсиз бузса, қонунга зид, асоссиз қарорлар қабул қилса ёки фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни ошкор этса, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузса ва бундай ҳатти-ҳаракатлар маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлмаганида у интизомий жавобгарликка тортилади.

Фуқарони у мурожаат қилганлиги сабабли ёки мурожаатдаги танқиди учун таъқибга олганлик учун ёки жамоат манфаатларига фуқароларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқларига жиддий зарар етказиб, бузган айбдор мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилади.

Шу билан биргаликда мазкур қонунда фуқароларнинг мурожаатларига эътиборсизлик учун мансабдор шахсга жавобгарлик белгилаш билан биргаликда фуқароларга ҳам туҳмат ва ҳақорат руҳидаги, миллий адоват қўзғатишга ва жиноий тарзда жазоланадиган бошқа хатти-ҳаракатлар содир этишга даъват этувчи мурожаатни берганлиги учун жавобгарлик қўлланилиши ҳам белгиланди.

Бундан ташқари, фуқароларнинг шикоятларини кўриб чиқиш вақтида фуқарога, шунингдек ташкилотга етказилган зарарларни ундириб олиш ҳам белгиланиши қонунларни бузишнинг олдини олишга, ҳуқуқларнинг ҳимояси кафолатланишига олиб келди.

Агар қилинган шикоят қондирилганида, у юзасидан ғайриқонуний қарор қабул қилган давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса, ташкилот ёки мансабдор шахс шикоят қилган фуқарога етказилган зарарни тўлашга мажбур бўлади. Зарар шикоят кўриб чиқилиш вақтида бир жойдан иккинчи жойга бориш билан боғлиқ сарф-харажатлар, шу вақт ичида бой берилган иш ҳақидан иборат бўлади. Бу харажатлар қопланмаса фуқаро. уни ундириб олиш мақсадида судга мурожаат қилишга ҳақли.

Мурожаатлар сохта бўлиб чиққанида уни текширган давлат органи, жамоат бирлашмаси, корхона, муассаса, ташкилотнинг ана шу сохта маълумотни ўрганиб чиқиш билан боғлиқ харажатлари ҳам суднинг қарорига биноан ундириб олиниши мумкин.

Б. ИБРАТОВ,
Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институти доценти.

• Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил топганлигининг уч йиллигига

ҒАЙРАТИ ҲАМ, ҲУРМАТИ ҲАМ БАЛАНД

— Бизнинг Урганчдаги вилоят болалар касалхонаси бошланғич партия ташкилотида 14 нафар ХДП аъзоси бўлиб, уларнинг деярлик ҳаммасида партия топшириқлари бор,— дея гап бошлади бошланғич ташкилот котиби Ойбиби Маткаримова.— Болалар касалхонаси бош врачи Гулора Солиҳовага оналик ва болаликни муҳофаза қилиш топшириғи юклатилган.

У бош врач бўлиб тайинланган кунданоқ асосий эътиборни касалхона моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги бўлимлар очиш, тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, даволашнинг замонавий усулларини қўлланиш масалаларига эътиборини қаратди. Партия топшириғи унга яна каттароқ масъулиятни юклади. Энди у шифохонани вилоятдаги барча болалар даволаш масканлари учун илмий-услубий марказга айлантириш, энг асосийси, болаларни даволаш, кичкинтойлар ўлимининг олдини олиш, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатишни юксак даражага кўтаришдек эзгу мақсад йўлида виждонан меҳнат қиляпти. Натижада шифо масканидаги ўнта бўлим бугунга келиб ўн олтитага етди. Жонлантириш (реанимация), аллергология каби бир қанча бўлимлар янгидан ташкил қилинди. Касалхона тиббиёт ходимларининг малакалари ошириб бориляпти. Асаб касалликлари бўлими бошлиғи Л. Цой самарали хизмати эвазига Ўзбекистон Республикасининг илк нишони — «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланди. Бу, шубҳасиз, шифохона жамоаси ишига берилган юксак баҳодир. Бу ерда С. Цой, Н. Пяткова, М. Қурбонов, Р. Искандаров, Б. Собирова каби малакали тиббиёт ходимлари самарали меҳнат қилишмоқда.

Г. Солиҳова тинимсиз меҳнати, жамоат ишларида фаол иштироки билан вилоятда, шаҳарда обрў-эътибор қозониб келяпти. Унинг ғайрати ҳам, ҳурмати ҳам баланд Шу туфайли Урганч шаҳар меҳнатчилари ишонч билдириб, уни шаҳар кенгашига ноиб қилиб сайлаганди. Бу эса аёл ташаббусини яна оширди. У партия аъзоси ва халқ ноиби сифатида Урганч шаҳар партия кенгаши қошида ташкил этилган ноиблар хонасида мунтазам равишда фуқароларни қабул қилиб, ҳал қилинмаган муаммоларни ечишга кўмаклашди. Ноибнинг бевосита ёрдамида парҳез таомлар ошхонаси очилди. Ҳамза номли мактабда тиббиёт хонаси, болалар касалхонаси қошида жамоатчилик қабул хонаси ташкил қилинди. Болалар овқатлари сотадиган дўкон очиш масаласи ҳам ҳал бўлиш арафасида.

Шаҳар кенгаши сессиясида тақдим қилинган ноиблик сўровидан кейин болалар касалхонасига соғломлаштириш маркази учун ер майдони ажратилди. Марказнинг биринчи навбати шу йил охиригача ишга туширилиши мўлжалланган.

Бош врач шаҳарнинг биринчи маҳалласи фуқаролар йиғини бошқаруви билан ҳам яхши алоқа ўрнатган. Маҳалланинг озодалиги, тиббиёт маорифи тадбирлари унинг бошчилигида ўтмоқда.

У иш фаолиятида кўпроқ жамоат ташкилотларига суянади. Уларнинг асосий эътиборини Президент Фармонларини амалга оширишга, ҳокимликлар, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси қарорларини бажаришга, касалхонада тартиб-интизом ўрнатишга, даволаш ишларининг самарадорлигини оширишга қаратади. Бемор оналарни соғломлаштириш мақсадида касалхонанинг терапия бўлимида янгидан 25 ўринли даволаш жойлари ташкил қилинди. Юқори ташкилотлар билан биргаликда бу муаммони ҳал қилиш юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Бозор муносабатларининг шаклланиши билан боғлиқ ўтиш даврида тиббиёт муассасаларини дори-дармонлар билан таъминлаш мураккаблашди. Хоналарда каравотлар жуда тиғиз жойлаштирилган. Кадрлар қўнимсизлиги кўпаймоқда. Шахсан ўзининг ташаббуси билан бошланган, вилоятга зарур бўлган «Она ва болалар соғломлаштириш мажмуи»нинг қурилиши ҳам ўта суст бораяпти. Бу муаммоларни бажаришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Бунинг учун шифохона жамоаси масъулиятини ошириш, фаолларнинг, партия аъзоларининг жанговарлигини таъминлаш, санитария маорифи билимларини аҳоли ўртасида мунтазам тарғиб қилиш лозим.

Гулоранинг ХДП аъзоси сифатида қилаётган ишлари (у шифохонада тарғибот ва ташвиқот ишларини ҳам ўз зиммасига олган)шифо маскани ходимларининг ҳавасини келтирди, ишончини уйғотди. Унга эргашиш истагини билдирган касалхона хизматчиларидан 16 нафари шу йилнинг ўзида партия сафига киришди. Раҳбарнинг, бошланғич партия ташкилоти котиби билан қилаётган саъи-ҳаракатлари натижаси ўлароқ, касалхона партия ташкилотининг обрўси ошиб, вилоятда кўзга кўринди қолди. Шу боис ҳам яна жамоадаги ўн киши партия сафига киришни кўнглига тугиб, котибга ариза кўтариб киришди. Ҳолбуки, (ўрни келганда айтиб ўтиш керак) вилоятда шундай ташкилотлар борки, уларнинг сафи йиллаб ўсиш нималигини билмайди. Демак, раҳбарнинг обрўси, иши, бошланғич ташкилот котиби ташаббуси бор жойдагина ижобий ўзгаришлар содир бўлади.

Гулора болалар касалхонаси бошланғич партия ташкилотига яқиндан кўмаклашиб, у билан ҳамкорликда иш олиб боряпти. Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг яқинда бўлиб ўтган бюро йиғилиши Г. Солиҳованинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юзасидан партия дастурий мақсадларини амалга ошириш борасида олиб бораётган ишлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилиб, бош врач фаолиятига катта баҳо берди.

Ўйлаймизки, Гулора Солиҳова бундан кейин ҳам ютуқлар кетидан қувиб, ташкилотчилик ишларида олдинги сафда бўлади.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ШАРТНОМАГА ҚЎШИЛИШ МАЪҚУЛЛАНДИ

● Украина Республикаси парламенти мамлакатнинг ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги халқаро шартномага қўшилишини қўллаб-қувватламоқда.

Бу ҳақда республика Олий Кенгаши Раиси Александр Мороз баёнот берди.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

● Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Уоррен Кристофер ва Хитой Давлат Кенгаши раҳбарининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Цянь Ци Чень ракета технологияларини тарқатмаслик ҳамда ядро қуроли яратилишига хизмат қиладиган моддаларни ишлаб чиқаришни тақиқлаш тўғрисидаги битимга имзо чекдилар.

Бу албатта Ер юзида ядро хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, албатта.

КУЗАТУВЧИЛАР ЖЎНАБ КЕТИШДИ

● Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бир гуруҳ кузатувчилари Гаитига жўнаб кетдилар.

Улар мамлакатдаги ҳарбий операциянинг амалга оширилишини кузатадилар. Тез кунларда Президент Жан-Бертран Аристид Гаитига келади. Бу ҳақда у БМТ Бош Ассамблеясида баёнот берди.

НОМЗОД АНИҚ, ЛЕКИН УНИНГ ИСМИ НОМАЪЛУМ

● Норвегияда Нобель мукофоти қўмитасининг йиғилиши бўлмоқда.

Унда тинчликни мустаҳкамлаш бўйича Нобель мукофотининг 1994 йилги номзоди аниқланади. Бироқ номзоднинг исми 14 октябргача эълон қилинмайди.

МУЛОҚОТЛАР ЎТКАЗИЛАДИГАН БЎЛДИ

● Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар Марказий ва Шарқий Европадаги олти давлат — Польша, Венгрия, Чехия Республикаси, Словакия, Болгария ва Руминия билан доимий мулоқотлар ўтказиб туришга қарор қилди.

Бундан кўзланган мақсад мазкур давлатларнинг Европа Иттифоқига қўшилиш муддатини аниқлаш ва режасини ишлаб чиқишдир.

БРАЗИЛИЯНИНГ 36-ПРЕЗИДЕНТИ

● Душанба куни Бразилияда ўтказилган умумхалқ сайловида Лотин Америкасидаги ушбу йирик мамлакат Президенти этиб сенатор Фернанду Энрики Кардозу сайланди.

Ф. Э. Кардозуни 95 миллион бразилияликнинг 45 фоизидан зиёдроғи қўллаб-қувватлади. Унинг асосий рақиби — меҳнаткашлар партияси раҳбари, 48 ёшли Луис Инасиу (Лула)да Сильва 25 фоизга яқин овоз олди.

63 ёшли Фернандо Энрики Кардозу Бразилиядаги обрўли сиёсий арбобдир.

ЯНГИ ҚОНУН МАЪҚУЛЛАНДИ

● Ганти миллий ассамблеясининг депутатлар палатаси (қуйи) кўпчилик овоз билан Президент Жан-Бертран Аристид бошлиғ қонуний ҳукуматни 1991 йилнинг сентябрида ағдариб ташлашда қатнашган ҳарбийларга нисбатан амнистия қўллаш ҳақидаги қонунни маъқуллади.

Бу албатта Президентни ағдаришда қатнашиб, хатога йўл қўйган ҳарбийларга нисбатан инсонпарвар қонундир.

НАВБАТДАГИ ЯДРО СИНОВИ

● Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазирлигининг вакили Хитойда 7 октябрь куни навбатдаги ер ости ядро синови ўтказилганлигини тасдиқлади.

У Хитой барча ядро давлатларини иложи борича тезроқ ана шу ядро қуролини йўқ қилиш ҳақида келишиб олишга даъват этаётганлигини эслатди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Бу йил Янгиқўрғон туманида мева, сабзавот, полиз экинларидан мўл ҳосил етиштирилди. Бу ерда соҳибкорларнинг ғайрат-шижоати билан эл дастурхонига кўплаб узум ҳам жўнатилди. Шунингдек, кўплаб гектар майдонларда картошка ҳам етиштирилди. «Кўкёр» жамоа хўжалиги аъзолари эса 750 гектар боғ-роғлардан эл дастурхонига анчагина мева жўнатишди. 150 гектар ерга экилган картошка яқин кунларда кавлаб олинади. Шундан 100 гектари уруғлик картошкадир.

Суратда: «Кўкёр» жамоа хўжалиги раиси Жўрамирзо Раҳматиллаев нокзорда.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қадрли муштарийлар!

Маълумки, 1995 йил учун мамлакатимиз газета ва журналларига обуна давом этмоқда. Аввал хабар берилганидек, **«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетасининг** йиллик обуна баҳоси 307 сўм қилиб белгиланган эди.

Кўп сонли муштарийларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, муассис — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши обуна баҳосини ўзгартиришга қарор қилди. Шундай қилиб, **«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетасининг**

1995 йил учун обуна баҳоси қуйидагича белгиланди.

Фуқаролар учун:

бир йилга — 252 сўм;

олти ойга — 126 сўм;

Корхона ва ташкилотлар учун:

бир йилга — 528 сўм;

олти ойга — 264 сўм;

«Ўзбекистон овози»га обуна бўлишга шошилинг!

• ДОЛЗАРБ МАВЗУ

САНОАТ ҚИШЛОҚҚА КЎЧСА

ҚЎШИМЧА ИШ ЖОЙЛАРИ ЯРАТИШ ВА ПИРОВАРДИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЯДИ

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар ўзининг янги босқичига кўчди. Мустақил давлатимизда уч йил ичида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жабҳаларда салмоқли ишлар амалга оширилди. Аҳолини ижтимоий муҳофаза этишга қаратилган бир қатор тадбирлар бажарилди. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни бу борада муҳим омил бўлди.

Республика Меҳнат вазирлиги ва унинг қуйи тизимлари 1994 йилнинг биринчи ярми учун ишлаб чиқилган дастурларида белгиланган тадбирларни изчил амалга оширишга эришдилар. Жумладан, вазирликнинг иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан республика бўйича 7474 нафар ишсиз аҳоли касбга тайёргарлик бўйича ўқитилди. Ўқитиш жараёнида улар стипендия билан таъминландилар. 19,3 минг нафардан кўпроқ ишсизга нафақалар тўланди. 2223 нафар ишсиз эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди. Бундан ташқари, 13136 та янги иш жойлари яратилди. Шундан 395 таси аҳолининг ижтимоий ҳимояга кўпроқ муҳтож бўлган, иш топишда қийналаётган қисми, айниқса, ишлоқ хўжалигида банд ҳисобланиб, аслида эса ортиқча бўлиб қолган кишилар учун мўлжалланганидир.

Иқтисодиётимизнинг асоси бўлган мулк муносабатларини тобора такомиллашмоқда. Ҳар хил мулкка асосланган корхоналар шаклланиб бормоқда. Бундай корхоналар қолмай, балки айни шу корхоналарнинг ўзида қўшимча иш жойлари ҳам вужудга келтирилди.

Меҳнат биржалари эса ўзлари очган кичик корхоналарда 940 иш ўрнини яратдилар. Барча вилоятларда 1994 йилнинг иккинчи ярми учун ҳам иш билан таъминлаш дастурлари тайёрланди. Улар Меҳнат вазирлиги томонидан тасдиқланди. Уларда ишсизларни иш билан таъминлашга қиладиган сарф-харажатлар аниқ кўрсатилган. Шу режага кўра, республика бўйича 10 мингга яқин иш жойи вужудга келтирилади. Янги иш жойларининг 70 фоиздан кўпроқ қисми қишлоқларда, 30 фоизга яқини эса шаҳарларда ташкил этилади. Қўшимча иш жойлари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган, иш топишда қийналаётган қисми, айниқса, ишлоқ хўжалигида банд ҳисобланиб, аслида эса ортиқча бўлиб қолган кишилар учун мўлжалланганидир.

Иқтисодиётимизнинг асоси бўлган мулк муносабатларини тобора такомиллашмоқда. Ҳар хил мулкка асосланган корхоналар шаклланиб бормоқда. Бундай корхоналар унча катта бўлмаган, замонавий, янги технологиялар билан жиҳозланган, ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари бозор талабларига ҳар томонлама жавоб бера оладиган бўлиб, аҳоли истиқомат қиладиган жойлар яқинида очилса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Айниқса, хорижий давлатлар билан ҳамкорликдаги қўшма корхоналар кўнгилдаги самарани беради.

Ҳозирги пайтда республикамиз аҳолисининг 60 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларида яшайди. Шундай экан, муаммолар ечимини қишлоқ хўжалигидаги соҳасига қаратиш керак. Негаки, қишлоқ хўжалиги саноат учун хомашё, аҳоли учун эса озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беради. Шу боис қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, ишсиз юрганларни (ҳисоб-китоб бўйича бундай кишилар икки миллионга яқин) ишлаб чиқариш соҳаларига жалб этиш орқали ижтимоий ҳимоялаш зарур.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессиясида мамлакат Президенти шундай таъкидлаганди: «Қишлоқда истиқомат қилаётган аҳолининг қолган қисмини бошқа етарли даромад берувчи тармоқлар, саноат, қурилиш, савдо ва халқимизга хизмат қилувчи бошқа соҳаларга жалб этиш масаласини ҳал қилишимиз даркор».

Республикамизда ишлаб чиқариш соҳасида 6 миллион 300 минг киши банд. Шулардан 3 миллион 700 минг киши қишлоқ хўжалигида ишлайди. Бу жабҳада банд бўлган ишчи кучига ер, сув, техника воситаларини етказиб бериш талаб қилинади. Бунинг учун Президентимиз таъкидлаганидек, қишлоқ хўжалигида унумли ишлайдиган кишилар қолиши керак. Қолганлари эса бошқа жабҳаларга — саноат, маиший хизмат кўрсатиш тармоқларига жалб этилиши лозим. Бизда аҳолининг 9 фоизигина хизмат кўрсатиш тармоқларида машғул. Ривожланган хорижий мамлакатларда эса бу рақам 60—70 фоизни ташкил этади. Бундан буён бир пайкалга юз кишини қўйиб унумсиз меҳнат қилишдан наф йўқ. Бизнингча, қишлоқ хўжалигида аҳолининг 10 фоизи банд бўлса кифоя.

Бунинг учун биринчи навбатда саноатни, маиший хизмат соҳаларини қишлоққа олиб келиш, маҳсулотни қайта ишлайдиган ихчам корхоналарни қишлоқ заминига жойлаштириш керак. Шу йўл билан даладан бўшаётган одамларни саноат, қурилиш ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб этиб, фермерларга жой бўшатиб бериш лозим. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, фермер хўжаликларини аҳоли зич жойлашган вилоятларда ривожлантириш аҳоли бандлигини таъминлашга катта имкониятлар яратиб беради.

Иқтисодиётни ривожлантиришда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш орқали иқтисодий қийинчиликларни енгиш масаласи олдинги ўринларда турмоқда. Аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг муқобил усуллари қидирилмоқда, транспорт хизматини яхшилашнинг мавжуд имкониятлари изланмоқда. Айниқса, аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш масалаларига катта аҳамият берилмоқда.

Республика ҳукумати иш билан банд бўлмаган аҳолини давлатнинг марказлашган ижтимоий ҳимоя тизими орқали муҳофаза этиши, айниқса, шу ўтиш босқичи учун жуда зарур. Биргина Президентнинг 1991 йил 29 декабрдан 1993 йил 28 июлга қадар 9 та Фармони қабул қилиниб, бу Фармонларга биноан нафақалар 174 марта кўпайтирилди. Бу даврда энг кам иш ҳақи 160 марта оширилди. Кам даромадли фуқароларнинг нафақалари, талабаларнинг стипендиялари мунтазам ошириб борилди. Аҳолининг турли табақаларига газ, сув, электр нури, транспортда юриш, дам олиш борасида имтиёзлар берилди.

Ҳозирги пайтда республикада 2 миллион 510 минг нафақахўр ижтимоий таъминот тизими орқали таъминланмоқда. 9,5 миллион болага 9 хилдаги нафақа тури бўйича пул тўланмоқда. 1993 йилнинг ўзида 2273 корхона ва ташкилот ўзининг 100 мингдан ортиқ нафақахўрига 45,3 миллион сўмдан ортиқ қўшимча пенсия берди.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати изчиллик билан амалга оширилаётган экан, бунга жавобан республикамизнинг барча фуқаролари — у деҳқонми, ишчими, хизматчими, зиёлими — ким бўлишидан қатъий назар бир-тан, бир-жон бўлиб, давлатимиз қудратини ошириб, виждонан меҳнат қилиб, Ўзбекистон иқтисодиётини кўтаришга ўз ҳиссасини қўшиши зарур. Бу эса республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади.

Нутфилло ХЎЖАЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.



Илму ҳикмат ўтни ёндирар

ТЕР ТЎККАНГА — ЕР ТЎКАР

Фан ишлаб чиқариш билан кучли. Бироқ халқ хўжалигининг у ёки бу соҳасида яратилган узоқ йиллик меҳнат маҳсули бўлмиш ишланмалар ҳаётга йўлланма олиши анча мушкул масала. Бундан бир неча йил аввал микробиологлар томонидан сутчўп (пистия) оқава сувларни юз фоиз тозалаб берадиган янгилик яратилган эди. Мазкур ўсимлик чорва тўйимли озуқаси сифатида лаборатория ва амалий синовлардан муваффақиятли ўтганди. Лекин шу соҳа раҳбарларининг журъатсизлиги, юқоридан кўрсатма кутиш кўникмаси янгиликнинг оммалашувига тўғаноқ бўлди.

Бунақа мисоллар ҳаётда кўплаб топилади. Ваҳолонки, янги самолёт яратиб, совуқ пўлатга иссиқ жон ато қилган авиаконструктор ҳам, одамлар мушкулини енгиллатувчи янгилик яратган олим ҳам ўз ихтиросини фарзандим, деб аташга ҳақли. Улар эртани, келажакни ўйламаганларида балки жамият бундай бебаҳо мевадан баҳраманд бўлолмасди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги гидрометеорология Бош бошқармасига қарашли Ўрта Осиё гидрометеорология илмий-тадқиқот институти бир гурух олимлари келажакни ўйлаб, игна билан қудуқ қазишга киришдилар. Бунга атиги бир йил вақт бўлди, холос. Мазкур институт қишлоқ хўжалиги метеорологияси бўлими бошлиғи, география фанлари доктори, профессор Фотих Мўминов (раҳбар), фан номзодлари, катта илмий ходим Аъло Абдуллаев, Ҳаққи Лутфиевдан иборат гурух истиқболли ишга кўл урганларини билишарди. Улар яна назариядан амалиётга ўтиш нақадар тезрок бажарилса, қанча вақт, қанча маблағ тежалишини хам хомчўт қилиб кўришганди. Шу боис Тошкент Давлат агроуниверситетининг Ўрта Чирчиқ туманидаги ўқув-тажриба хўжалиги худудида агрометеорологик илмий-тажриба дала лабораторияси ташкил қилиниши Арамчи қишлоғи ахлини бефарқ қолдирмади.

— Дастлаб олимларга мазза-да, асбоблар кўрсатган рақамларни қайд қилишгач, дам олишаверади, — деб ўйлардим, — дейди шу ерда яшовчи дурадгор Ҳусниддин Шаропов. — Кейин билсам, кечаю кундуз кузатувлар олиб боришаркан. Аёзми, саратонми, селми, бўронми — барибир, изланишларни тўхтатишмас экан.

Ана шу бедор мутахассислар орасида кўпинча дала лабораторияси мудири Ҳаққи Лутфиевни учратиш мумкин эди. У деҳқон фарзанди эмасми, ишлигидан бир кун далага чиқмаса, халоватини йўқотарди. Кейинрок далага чиқиш, экинлар, она-ер билан тиллашиш учун чуқур билим кераклигини тушуниб етди. Олий ўқув юртида ўқиб, атмосфера физикаси бўйича мутахассислик гувохномасини олгач хам шу билими билан чегараланиб қолмади. Москвада фан номзодлиги илмий даражасини ёқлаб келди. Тошкент вилоятининг ўрмон хўжаликларида меҳнат қилди. Иш танламади. Гидрометеорология хизмати сирларига ошно бўлди. Бир йил олдин эса дала лабораторияси хизматини йўлга қўйди. Иқлимнинг ўсимликлар ривожи, ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш ва шу аснода қишлоқ хўжалиги ходимларига зарур маслаҳатлар — тавсияномалар ишлаб чиқиш, ахборотлар бериш — у бошлиқ гурух вазифаларининг асоси қилиб белгиланганди.

— Гап шундаки, республикамизда деҳқончилик экинларидан олинаётган ҳосилдорлик хориж аграр мамлакатларига нисбатан анча орқада, — куйинди дейди Фотих ака Мўминов. — Бунинг асосий сабабларидан бири — экинни экишдан аввал ўша жойнинг микроиқлими чуқур ўрганилмайди. Синалмаган майдонларга экилган экин эса кўпинча хўжаликларга зарар етказади. Максадимиз ана шу кўнгилсизликларнинг олдини олиш, қайси экин қандай ерни хоҳлашини илмий асослаб беришдан иборат.

Бир тинглашда бу гаплар оддийликдан фарқ қилмайдигандай таассурот қолдиради кишида. Аммо масала мохиятига чуқурроқ кириб борсангиз, айниқса, янги навларни районлаштириш масаласи кўндаланг бўлиб турганда экиш майдонларининг агроиқлимий харитаси қанчалик зарурлиги ойдинлашади. Бундай хариталарни яратиш эса бир неча йиллик пешона тери, илмий кузатиш, ўрганиш ва таққослаш захматлари билан ўлчанади. Модомики, хайрли ишга қўл урилган экан, демакки, олимларда унинг пировард натижаларига бўлган ишонч хамма нарсадан устун. Ишонч устивор бўлган жойда эса ишда силжиш, бурилиш, барака бўлиши тайин.

Дарвоқе, юқорида ўсимликлар микро иқлими хусусида эслатиб ўтилганди. Хўш, унинг ўзи нима? Нега уни ўрганишни хаёт тақозо этмоқда? Гап шундаки, маълум бир худуд микроиқлими илмий тадқиқ этилмасдан туриб, аниқ тавсияни ишлаб чиқиб бўлмайди. Демак, микроиқлим деганда об-хаво хароратини ўлчашдан ташқари, унинг тупроқ ички ва ташқи қатламига таъсири, яъни тупроқ харорати, намлиги, шамол йўналиши, қуввати даражаси ва айни пайтда эканнинг ер сатҳидан 200 см.гача бўлган қисмига метеорологик жараёнлар таъсири ўрганиб борилади. Иш жараёнида шундай тартиб ўрнатилганки, об-хаво қандай бўлишидан қатъи назар, хар уч соатда бир марта кузатишлар ўтказилиб, маълумотлар махсус дафтарга қайд қилиниши шарт. Махсус асбоблар ёрдамида қуёш нури (радиация)нинг тўғри, сочилган ва экинзорлардан қайтган қийматлари кузатилади. Бундан мақсад — турли ўсимликлар яхши ривожланиши учун қанча қуёш нуридан бахраманд бўлиши лозимлиги муаммосини ҳал қилишдир. Фан тили билан айтганда, форометр ёрдамида ўтказилаётган бундай фенеологик кузатишлар экин ривожланишидан то хосил тугагунгача давр мобайнида олиб борилади. Хуллас, икки томонлама текширувлар натижаси эришиладиган аниқ ва пухта ахборотга неғиз бўлади. Ушбу ахборотлар жамланиб, агрометеорологик мезон топилади. Бу ўз навбатида ўсимликлар ҳолатини аниқлаш, бўлажак ҳосилдорликни олдиндан айтиб бериш, илмий тавсиялар ишлаб чиқиш, демакки, илмий-тадқиқот ишларига асос бўлиб хизмат қилади.

Дала лабораторияси майдончасини айланар экансиз, сизга кинофильмлар орқали таниш бўлган — об-хавони олдиндан "айтиб берувчи" турли қурилма, асбоблар, шамол қайси томонга эсишини кўрсатувчи парракка кўзингиз тушади. Биз юқорида тасвирлаган иш хажмларидан ташқари, бу ерда жаҳон метеорология хизмати талабларига жавоб берадигай кузатувлар (хаво ва тупроқ ҳарорати, булут йўналиши, шамол тезлиги, ёғин миқдори ва ҳоказо) олиб борилади. Унинг мунтазамлигини таъминлашга эришиш лабораториянинг муҳим вазифаларидан биридир.

Лаборатория ҳоналарида аввалгб сақланаётган эски ва замонавий асбоблар ишлаш усулларини тавсифлаб берар экан, Аъло Абдуллаев кутилмаганда мавзуни бошқа ёққа буриб юборди:

— Республикамиз мустақиллиги йилларига бағишлаб ўтказилган байрам тантаналарида учирилган ўнлаб улкан шарларни кўрганмисиз? Ўша шарлар муаллифи Ҳаққи акамиз бўладилар. Улар оддий эмас, мураккаб шарлар. Уларни учириш учун хам махсус кишилар, махсус тайёргарлик керак бўлади.

Афтидан, икки олим хам газета мухбирини илмий маълумотлар билан таништиравериб, толиқтириб қўйдик, деган андишага бордилар шекилли, гап жиловини бошқа ёққа буришга харакат қилдилар.

— Юринг, бир нарса кўрсатай, — деди Ҳаққи Лутфиев, — кўринишидан молхонага ўхшаш бино томон йўл бошлар экан. — Хабарингиз бор, кейинги йилларда хукуматимиз ерларнинг экологик ҳолатини соғломлаштиришга катта аҳамият бермоқда. Бунинг энг самарали йўли — чувалчанглар ёрдамида тайёрланган биогумусдан фойдаланишдир. Унда эса экинлар учун зарур бўлган фойдали озуқаларнинг бари мавжуд. Ўтган йили "Апекс" фирмасидан 500 минг дона чувалчанг сотиб олгандик. Айни пайтда улар сони 4,5 — 5 миллион донага етиб қолди. Озуқани эса ўқув хўжалигига топширамиз. Бу шунчаки, ишдан бўшоқ пайтда эрмак учун, — деди мудир ва бирдан юзлари ёришиб кетди: — Биласизми, бир пайтлар — инқилобдан олдин деймизми — деҳқоннинг бойлиги унинг омборидаги донига қараб эмас, даласидаги чувалчанглар миқдорига қараб баҳоланган экан. Ўзиям табиат инъом этган бебаҳо бойлик-да!..

Сухбат яна аввалги мавзуга қайтади. Маълум бўлишича, кузатиш ишлари нафақат Арамчи қишлоғида, балки Тошкент вилоятининг 20 га яқин хўжалигида ташкил қилинган бўлинмаларда олиб бориляпти. Пахта, сабзавот, беда, шоли, маккажўхори ва бошқа экинларга иқлим таъсири — масалан, айтайлик, турли иссиқликда экиндаги биологик ўзгаришлар ҳолати, ривожланиши ёки касалланиши, "совуқ ва офтоб уриши", ҳосилдорлик ёки ўсимликнинг "дам олиши" сабаблари пухта ўрганилиб, бу маълумотлар Ўзбекистон гидрометеорология марказига етказилади. Ўз навбатида марказ маълумотларни жамлаб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқади ва жойларга тарқатади. Мазкур тавсиялардан эса хўжаликларда тезкор ёки келажакда режалаштириш ишларида фойдаланиш мумкин. Тадқиқотлар асосида худудий агроиқлимий хариталар чизилади. Уларда маҳаллий шароитга мослашган экинлар турлари қайд этилган бўлади.

Демак, юқоридаги тавсияларга суяниб туриб, хўжалик мутахассислари ҳосилдорликнинг шакланишини баҳолашлари ва агротехник тадбирларга мослаштиришлари мумкин. Хулоса қилиб айтганда, институт агрометеорологлари олиб бораётган илмий изланишлар пировард натижаси қишлоқ хўжалигимизнинг бугуни, эртаси ва келажаги учун намунали хизмат қилади.

Абдунаби МАННОПОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

• Атама ва тушунчалар

ИШБИЛАРМОНЛИК ЛУҒАТИ

ДИВИДЕНД — (лотинча — тақсимланадиган) акционер жамият фойдасининг акция эгасига тегадиган, бинобарин, унинг даромадига айланган кисми. Ҳар йили фойда акционерлар ўртасида (солиқлар тўланиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ажратмалар чиқарилиб, резервлар тўлдирилгач, облигациялар бўйича фоизлар ва директорларга бериладиган мукофот хақ тўлангандан сўнг) уларнинг қўлидаги акция миқдори (суммаси) ва турига қараб тақсимланади. Тақсимланадиган ҳисса дивиденд массаси дейилади. Дивиденд ставкаси эса акционернинг акциялар номинал қийматларига кўра процентларда ифодаланган даромади. Дивиденд миқдори оддий акциялар бўйича жамиятнинг ўша йилда кўрган фойдасига боғлиқ; имтиёзли акцияларнинг дивиденд миқдори акцияларнинг номинал қийматига қатъий фоиз ставкаси миқдорида олдиндан белгиланади.

Энг юқори дивиденд олинганда баъзан уларнинг бир қисми қўшимча чиқарилган бепул акциялар тарзида акционерларга тўланади. Дивиденднинг энг кўп қисмини қўлида акцияларнинг асосий хиссасини тўплаган кишилар ва корпорациялар оладилар.

ДИЗАЖИО — (итальянча — мушкуллик) қимматбаҳо қоғозлар, фонд бойликлари, қоғоз пуллар биржа курсининг номинал қийматига нисбатан пасайиши. Одатда номиналга нисбатан фоизларда ифодаланади.

ДИЛЕР — (инглизча — ишбилармон савдогар) (фирма); ўз ҳисобига ва ўз номидан қимматбаҳо қоғозлар, товарлар, валютани аввал харид қилиб, сўнгра қимматига сотиш тижорат ишлари билан шуғулланади. Дилер, шунингдек, брокерлар, бошқа дилерлар, мижозлар ўртасида воситачилик қилиши хам мумкин. Дилер баъзан брокер сифатида иш кўради, аммо, унинг фаолиятида воситачилик эмас, мустақил савдо қилиш устун туради, бинобарин, у сотиб олинган товарларнинг эгаси ҳисобланади. Дилернинг брокер ва савдо агентидан фарқи — даромаднинг мукофотлар ва тўловлардан эмас, балки сотиб олинадиган ва сотиладиган товарлар нархи ўртасидаги фарқдан тушадиган фойдадан ташкил топишида.

ДИНОР — (лотинча — ўнтадан иборат) Қувайт пул бирлиги. 1961 йил апрелидан Ҳиндистон рупияси ўрнига жорий қилинган 1 қувайт динори-10 дирхам-1000 филс. Олтин таъминоти 2,48828 грамм соф олтин. Шунингдек, Жазоир, Иордания, Ироқ, Ливия, Югославия, Тунис, Яман, Бахрайн пул бирликлари ва Эрон майда чақа пули (1)100 риёл) хам динор деб аталади.

ДИРЕКТ МЕЙЛ, почта орқали реклама — потенциал харидорларга тижорат хабарларини почта жўнатмалари, фирма товарларининг тўлиқ тавсифномалари (хат, варақа, проспектлар) билан тарқатиш. Товар сотишни рағбатлантириш ва реклама усулларидан бири .

ДИСКАУНТ — товарлар нархи ва муомала ҳаражатларини камайтириш йўналишида фаолият кўрсатадиган чакана савдо корхонаси. Бунинг учун дўконларни ўддий ускуналар билан жиҳозлаш, чекланган товар турларини сотишга чиқариш, товар заҳираларини кўп тўпламасликка риоя қилинади.

ДИСКОНТ — (инглизча, итальянча — ҳисобламоқ)-1) банклар томонидан векселни муддатидан илгари қайтариб 2) сотиб олиш (вексель ҳисоби); векселни қайта сотиб олгани учун банк ундирадиган фоиз; 3) товар нархи (масалан сифати стандартга тўғри келмаганда), биржа ва валюта битимларида валюта нархидан ташлама.

ДИСТРЮБЮТОР, — воситачи — товарни ўтказиш (савдо-сотиқ) бўйича воситачи. Ўз номидан ва хисобидан товарларни олиб сотиш билан шуғулланади.

ДОЛЛАР — (инглизча (—1) АҚШ пул бирлиги, 1 доллар — 100 цент. 1786 йилдан муомалада (кумуш доллар) АҚШ доллари халқаро валюта хисоб-китобларида кенг қўлланилади. Муомалада 100, 50, 20, 5 ва 2 долларли қоғоз пуллар; 1 ва 0,5 долларли тангалар, 0,25, 0,1 долларли ва 5,2,1 центли мис тангалар ишлатилади.

ДОЛЛАРЛИ ПУЛ — стерлинг минтақасига кирган мамлакатларнинг олтин-валюта ғамламалари бирлашмаси Лондонда жойлашган.

ДОТАЦИЯ (лотинча ҳадя, эҳсон) — давлат еки маҳаллий бюджетдан қайтариб берилмаслик шарти билан маблағ ажратиш; иқтисодиётга бюджет орқали таъсир этиш воситаларидан бири. Фаолияти умумдавлат аҳамиятига молик, лекин ўз даромадлари билан ҳаражатларини қоплай олмайдиган корхона ва ташкилотларга давлат дотация билан мадад беради. Дотация умумий ва мақсадли бўлади, уни ишлатиш маҳаллий ҳокимият ихтиёрида ва унга марказ аралашмайди. Мақсадли дотация берилганда уни мўлжалланган мақсад учун сарфлаш мажбурий ва буни давлат назорат қилади.

Суҳбатдошим Шаҳрисабз тумани агрохизмат уюшмаси раиси Жалол Рўзиев. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини, сўнгра олий партия мактабини битирган, муҳандис, техникум ўқитувчиси, комсомол котиби, совхоз директори бўлиб ишлаган.

Тадбиркорга омад ёр!

ИЖАРАЧИЛИКДА ШАҲРИСАБЗ ТАЖРИБАСИ

— Жалол ака, яқинда туман фаоллари йиғилишида музокарада сўз олган Бозор Эшдавлатовнинг ижарачилик тажрибаси тўғрисида сўзлаган нутқи кўпчилик қатори менинг ҳам диққатимни тортди. Эшитишимча, бу тажрибани қўллаб-қувватловчилар сафида ўзингиз ҳам турган экансиз. Шу тажрибанинг моҳияти ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Мустақиллигимиз шарофати билан қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳот кундан-кунга ривож топиб бормоқда. Деҳқонларимиз ва уларнинг саркорлари ҳар қандай тажрибани қўллашдан чўчимаслиги керак. Бизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатимиз ўз шароитимиздан, еримизнинг ҳолатидан, сувдан, аҳоли зичлигидан келиб чиқмоғи ҳамда қишлоқ хўжалигида умумий банд бўлган аҳолини 50-60 фоиздан 5,6 фоизга туширишдан келиб чиқса яхши. Ана шу мақсадда биз туманимиздаги Б. Фозилов номли жамоа хўжалигида еш раиснинг ташаббуси билан эркин ижара усулини йил бошидан қўллашга киришдик. Жамоа хўжалигида кўп йилдан буён меҳнат қиладиган тажрибали 10 нафар деҳқонни танлаб, уларга 1 гектардан ер бердик. Улар ҳар гектар ер учун йил бошида 1 миллион сўм пул тўладилар. Ижарачи ва раис ўртасида қатъий шартнома имзоланди. Ижарачиларга давлат буюртмаси берилмайдиган, лекин хўжаликнинг умум ишлаб чиқариш режасида бўлган экин турлари экишни тавсия этдик.

— Бундан кўзланган асосий мақсад нима?

— Биринчидан, Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодий тадбиркорлик тўғрисида 13-қароридан келиб чиқиб хўжалик учун юқори ва соф фойда олиш иккинчи ёнидан, хўжалик томонидан шу майдонларга қилинадиган сарф-харажатни йўқ қилиш, бу эса хўжаликни давлат банкидан юқори фоизли кредит олишдан сақлайди. Учинчидан, ижарачиларга тўла эрк бериб, ҳар хил маъмурий-буйруқбозлик ва к95-+1ўрсатмалардан озод қилиш, пировард натижада юқори ҳосилдорликка эришиш. Мисол тариқасида ёнма-ён 1 гектарлик майдонга колхоз уч тонна картошка уруғи қадади. Ижарачи эса шунча майдонга картошкани кесиб 1200 килограмм экди ва 1800 килограмм уруғни тежади. Ҳосилдорликда ҳам ижарачи бир ярим баравар кўп ҳосил олди.

Суҳбатимизга Болта Фозилов номли жамоа хўжалиги раиси Бозор Эшдавлатов қўшилди.

— Бозоржон, деҳқончиликда нега айнан ижарачилик йўлини танладингиз?

— Раисликка сайланганимда идорада 30 киши ишларди. 17 ўринни қисқартирдик. Ишсиз қолганларга 1 гектардан ер таклиф қилдим. Уларнинг кўпчилиги олий маълумотли гидротехник, ҳосилот, муҳандис ва ҳисобчилар эди. Оллоҳ бизга ризқ-рўз учун ерни берган. Ер бизни тўйдиради. Фақат унга ҳалолу пок бўлиб ёндашайлик дедим. Ишонишди. Ҳозир кўрсангиз ижарачилар ерда иккинчи экинларни ҳам кўкартириб қўйишяпти. Кўзи тўқ, қўнгли тўқ. Биз уларга иккинчи йил ҳам шартнома тузишга розилик бердик.

Ижарачи бой деҳқонларимизга шароит яратиб бериш мақсадида шаҳарда алоҳида дўконлар очмоқчимиз. Даланинг ўзидан харид қилишни уюштириш ниятимиз бор. Жамоа хўжалигининг ўз жамғарма банкини очиб деҳқоннинг эркин пулини омонатга олиб, истаса йил охирида бирга икки қилиб қайтариб бермоқчимиз. Иншоолоҳ, шундай бўлади. Бундан ташқари раисман, деб қараб ўтирмайман. Ҳосилотлик, муҳандислик, таъминотчилик, ҳайдовчилик қилиб кетавераман. Тадбиркорлик эвазига 95 фоиз техникани янгилаб олганмиз. Бу йил 325 гектардаги "Юлдуз" навли пахта ҳосилини териб олиб, шудгор қиламиз. 100 гектар майдонни пахтага қолдириб, қолганига ғалла экамиз. 100 гектар пахта ўтдан тозаловчи фильтр сифатида алмашлаб экилаверади. Бу йил 445 гектар майдонга арпа-буғдой эккандик, ўртача ҳосилдорлик 30 центнерга етказилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун 100 килограммдан икки марта арзон буғдой тарқатамиз. Уруш қатнашчиларига, байналмилал жангчиларга 200 килограммдан бепул буғдой берамиз. 5 гектар майдонга шоли ҳам экканмиз. Шоли оқлайдиган тегирмонимиз ҳам бор. Бу тегирмон учта туман шоликорларига хизмат қилади. 403 бош қорамолкимиз бор. Уларга 120 гектар бедапоя ажратилган. 4 та фермер хўжаликда 175 бош қорамол парвариш қилинмоқда. Биолабораториямиз ҳам кони фойда. Бир йилда 10 миллион хом ғишт чиқарадиган ғишт заводи, генератор таъмирлайдиган цех, тикувчилик цехлари ишлаб турибди. Хонадонлар деярли газлаштирилди.

— Жалол ака, ижарачиликни ривожлантиришга нималар монелик қилади?

— Англияда XVII-XIX асрда яшаган ҳақиқий фермер ер илмини билмаган ёки билишни истамаган фарзандига ҳатто ўша ерни мерос қолдиришни истамаган. Биз ерга муҳаббатни, ҳақиқий ер илмини ўзлаштирмасдан туриб деҳқончиликда инқилоб қилаолмаймиз. Менимча, тадбиркор ижарачилик тажрибасини техникум ёки ҳунартехника билим юртларида алоҳида курс сифатида ўқитиш ва ер илми билимдонларини тайёрлаш зарур

Ғози РАҲМОН,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

Мамлакатимиз иқтисодий қувватини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар маҳсули ўлароқ республикамиз божхона тизими ҳам янги ўзгаришлар сари юз тутди. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан эълон қилинган "Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон мамлакатимиз божхона чегараларида олиб борилаётган муайян ишларда катта бурилиш ясади, унга кўплаб янгиликлар киритди.

Жамоатчи мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Божхона Бош бошқармасининг Тошкент шаҳри бўйича божхона хизмати бошлиғи Равшан Абдуллаевич ТУРОПОВ билан бугунги кунда божхона постларида амалга оширилаётган ишлар ва янги Фармоннинг унга алоқадор жиҳатлари хусусида суҳбатлашди.

Хабарингиз борми?

БОЖХОНА ТИЗИМИДА ЎЗГАРИШ

— Баъзи одамлар божхона тўғатилармиш деган узун-қулоқ гапларни тарқатишяпти. Шу ростми?

— Бу миш-мишлар бор-йўғи уйдирма. Мустақил давлатни божхона хизматисиз тасаввур қилиш мумкинми, ахир? Ҳақиқатан ҳам юрт мустақиллигини мустаҳкамловчи асосий омиллардан бири кучли божхона тизимининг жорий қилинишидир. Республикамиз ҳудудидан нималар олиб чиқиб кетилаётгани, нималар олиб кирилаётгани, маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар кимлар билан ва нима эвазига ўз товарларини айирбошлаётгани билан ҳеч ким қизиқмаса, давлатнинг давлатлиги қоладими? Давлат чегараси мавжуд экан, божхона хизмати бўлиши табиий.

— Ташқарига олиб чиқиш қатъиян ман қилинган нарсаларга нималар кириши мумкин! Умуман, янги Фармон асосида экспорт-импорт жараёнлари қандай кечади?

— Бу ҳужжатда лицензиялаштириш лозим бўлган товарлар, бож тўловларининг контракт қийматидан фоиз ҳисобида олинадиган ставкалари ва шу жумладан, экспорт қилиш (шунингдек, МДҲ мамлакатларига чиқариш) таъқиқланган буюмлар ва маҳсулотлар рўйхати аниқ кўрсатилган. Бундай маҳсулотлар тўққиз турдан иборат бўлиб, асосан озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турлари ва хом ашёлар, катта бадиий, тарихий, илмий ёки бошқа маданий қимматга эга бўлган қадимий буюмлар (бадиий санъат, ҳайкалтарошлик асарлари ва бошқалар)дир.

Яна шундай товарлар борки, улар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан бериладиган лицензиялар бўйича белгиланган квоталар ҳажмида экспорт қилинади (шу жумладан, МДҲ мамлакатларига чиқарилади). Улар йигирма олти турдан иборат. Айрим махсус товарлар эса Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан бериладиган лицензиялар бўйича экспорт ва импорт қилинади. (Шу жумладан, МДҲ мамлакатларига чиқарилади ва улардан келтирилади). Булар дорилармонлар, уларнинг хом ашёлари, чет эл инвестициялари, қурол-яроғ, ҳарбий техника, қимматбаҳо металл қотишмалари, турли радиоактив моддалар, уларнинг чиқиндилари ва жами ўн икки турдаги маҳсулот ҳамда товар намуналаридир. Аммо корхоналар ва хўжаликлар ихтиёрида қоладиган товарларни ва маҳсулотларни сўмларга сотиш бўйича товар хом ашё биржаларининг иштирокида улгуржи ярмаркаларда сотиб олинган товарлар республика ташқарисига чиқариш учун (тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда) лицензия талаб қилинмайди ва бож пошлинаси олинмайди.

— Ушбу фармон чет элга отланган фуқароларни божхона назоратидан ўтказишда уларга енгиллик ва имтиёзлар берадими!

— Албатта, илгари чет элга кетаётган ҳар бир фуқаро олиб чиқиб кетаётган товарлари учун ҳам, олиб келаётган товарлари учун ҳам бож тўларди. Уларни назорат қилиш эса бизга жуда катта қийинчиликлар туғдирарди. Энди эса бу чеклашларнинг барчаси бекор қилинди. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлган ҳоллар бундан мустасно). Яқинда эълон қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ чет эл валюталарини олиб чиқиш эса 500 АҚШ доллари ёки бошқа давлат валюталарининг расмий курс бўйича шунга тенг миқдоридаги пулни олиб чиқишга рухсат этилди.

— Янги ҳужжат қабул қилингандан бери илгари катта миқдордаги Россия пулларини контрабанда йўли билан яширинча божхона чегарасидан олиб ўтиб жиноят содир этган, мол аччиғида қолган кўплаб фуқароларни бир масала қийнаяпти — "ишимиз қайта кўриб чиқилармикан. Давлат ҳисобига мусодара қилинган пулларимиз қайтарилармикан". Равшан ака, шу мавзуга ҳам қисқагина тўхталиб ўтсангиз.

— Юқорида айтиб ўтганимдек, эркин олиб чиқиш мумкин бўлган Россия банкининг 1993 йил намунасидаги пулларининг миқдори 150 минг рублгача қилиб белгиланди.

Бунга қуйидаги омил сабаб эди: собиқ Иттифоқ даврида шундай бир маккор иқтисодий сиёсат олиб борилганки, унинг натижасида ҳар бир республика ўз саноатини тебратиш учун ё "марказ"га, ёки бошқа бир республика хом ашёси ва техник-асбоб = ускуналарга кўринмас иплар билан боғлаб қўйилган. Унинг асоратлари собиқ иттифоқдош республика ўз саноатини мустақил юрита бошлаган бир пайтда янада яққолроқ сезила бошлаган эди. Улар ўз ҳудудларида мустақил саноат маркази барпо этмай туриб, Россия давлат бошқарувидаги тартибсизлик туфайли пул ислоҳоти қўққисдан бошлаб юборилди. Ўша пайтда юртимиздаги саноат корхоналарининг мавжуд қувватини сақлаб қолиш талаби эса Россия банкининг 1993 йил намунасидаги рублига бўлган эҳтиёжни бир қадар бўлса-да оширди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ҳар бир фуқаро республикадан ташқарига олиб чиқиб кетиши мумкин бўлган Россия рублининг миқдори чекланган эди. Айрим фуқаролар бу тартибни била туриб уни четлаб ўтишга ва шу билан амалдаги ҳукумат қонунларини қўпол равишда бузишга урининдилар. Тошкент шаҳар божхона хизмати ходимларининг олиб борган саъй-ҳаракатлари натижасида республика ҳудудидан ташқарига ноқонуний олиб чиқиб кетилаётган кўплаб пул ва валюталар қайтариб қолинди ва давлат ҳисобига мусодара қилинди. Энди бундай ҳуқуқбузарликни содир этган фуқароларнинг сўровига келсак, уларнинг иши қайта кўриб чиқилмайди ва мусодара қилинган пуллар қайтарилмайди. (қонунга зид бўлган ҳоллар бундан мустасно).

— Эътибор бериб қараган киши кўчаларимизда чет эл автомобилларининг анчагина кўпайиб қолганини сезади. Бунинг божхона ҳужжатларидаги янгиликларга алоқаси бўлса керак.

— Жуда бор-да. Республикамиз ҳудудида муомалада бўлган божхона қонунларига асосан, чет элдан келтирилган автомобиллар учун жуда катта суммада бож пошлинаси тўлаш керак бўларди. Бу тўлов ўша автомобиль двигателининг ҳар бир сантиметр куб ҳажми учун 1,5 дан 6 АҚШ долларигача ёки шу кундаги расмий курс бўйича унга тенг миқдордаги бошқа пул ва валюталарда пошлина олинар эди. Бунн ҳисоб-китоб қилиб кўрадиган бўлсангиз, ўша олиб келинаётган машинанинг уловидан тушови қимматга тушарди, яъни уни сотиб олинган нархидан бир неча баробар ортиқ пошлина тўланарди. Янги ҳужжат бўйича 1994 йил 1 февралдан бошлаб кўпгина маҳсулот ва товарлар қатори чет элдан келтирилаётган автомобиллар учун ҳам барча пошлиналар бекор қилинди.

— Божхона тизимида ҳам анчагина ўзгаришлар кечмоқда, чамамда...

— Республика Давлат божхона қўмитаси Давлат Солиқ қўмитаси таркибидаги Божхона бош бошқармасига айлантирилгани тўғрисида ҳукумат ҳужжати эълон қилинган эди. Унда раҳбар ва ижро органлари, ички тузилма содда ва ихчам кўринишда ҳал этилган. Менимча, божхоначиларга ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб боришни тартибга келтириш керак. Негаки, бу соҳа ходимлари хизмат жараёнида гиёҳванд моддалар олди-сотдиси билан шуғулланувчи ашаддий жиноятчилар, нашавандлар, ҳужжатларни қалбакилаштирувчи қаллоблар, жиноятчи гуруҳларга қурол-яроғ етказиб беришни зиммасига олган қўпорувчилар ва бошқа кимсалар билан тўқнаш келиши табиий. Улар сирлари ошкор бўлиб қолган пайтда божхоначига нисбатан қўрқитиш, обрўсизлантириш, қуролли тажовуз уюштириш, ҳақоратлаш, жисмоний жароҳат етказиш каби усулларни қўлламайди, деб ким кафолат бера олади?! Ахир озмунча божхона ходими бундай тажовузларнинг қурбони бўляптими?

Божхона ходимларини махсус кийим-бош билан таъминлаш масаласи тезроқ амалга оширилса яхши бўларди. Бу фикрни тилга олиб ўтишимнинг боиси у хизматчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга катта улуш қўшади.

Пўлат СОДИҚ ўғли суҳбатлашди.

Спорт

THE 12th ASIAN GAMES HIROSHIMA 1994

ЯПОНИЯДА МАДҲИЯМИЗ САДОСИ

Хиросима шаҳрида ўтказилаётган Осиё ўйинлари қизғин паллага кирди. Спортчилар фахрли ўринлар ва медаллар учун муросасиз баҳсда маҳорат кўрсатмоқдалар. Йирик спорт анжуманида мамлакатимиз номидан илк марта мустақил жамоа бўлиб қатнашаётган вакилларимиз мухлисларни қувонтиришга ҳаракат қилишмоқда. Спортчиларимиз олтин медалларга ҳисоб очдилар.

Мутахассислар байдарка ва каноэда эшкак эшувчи йигит-қизларимизга катта умид боғлашган эди. Улар ишончни оқладилар. Иван Киреевнинг ғалабаси Ўзбекистон Давлат мадҳияси садолари Япония бўйлаб таралишига сабаб бўлди. Маълумки, бундай тантанавор ва ҳаяжонли онлар ойнаи жаҳон орқали олиб кўрсатилади. Демак, бу манзара видео тасвирларга кўчган. Татьяна Маматқулова билан Анатолий Тюрин сабоғини олган моҳир эшкак эшувчимиз Иван Киреев ана шу тариқа Ўзбекистонга олтин медаль келтирди.

Шунингдек, эшкак эшувчилардан Андрей Колганов билан Владимир Казанцев кумуш медаль соҳиблари бўлишган бўлса, Ирина Журавлева бронза медалини қўлга киритди. Нишонни бехато олиш устаси Сергей Иваненко ҳам медаллар жамғармасига бронза медалини қўшди. Чарм қўлқоп усталари эса совринли ўринлар учун талабгорлик қилиб туришибди. Ҳозир 10 нафар боксчимиздан еттовлони ҳал қилувчи баҳсга йўлланма олиш учун астойдил курашмоқда.

Футболчиларимизнинг ғалабаларига яна бир ютуқ қўшилди. Улар ўз гуруҳларида сўнгги саралаш учрашувини Таиланд футболчилари билан ўтказиб, 5:4 ҳисобида устун келишди. Шундай қилиб, футболчиларимиз учрашувларни мағлубиятсиз ўтказиб, 12 очко билан чорак финалга йўлланма олишди. Курашнинг бу босқичида улар Туркманистон – Бахрейн учрашуви ғолиби билан майдонга тушадиган бўлиб турибдилар. Ўйламизки, вакилларимиз бу ўйинда ҳам маҳорат кўрсатиб, ярим финалга чиқишга ҳаракат қиладилар.

Бугун Осиё ўйинлари иштирокчилари спортнинг 22 тури бўйича совринли ўринлар учун курашни давом эттирадилар. Ўзбекистон йигит-қизлари эса спортнинг 14 тури бўйича баҳс юритиб, мухлисларни мамнун этишга интиладилар.

Мирзо АНВАР.

Мулоҳаза

ОДОБ ДОИРАСИДА БЎЛСА

Муборак ҳадиси шарифда эркакларнинг тиззагача ва белгача бўлганидан қолган қисмини оврат, яъни намойиш қилиш ё томоша этиш ман этилган жойлар эканлиги таъкидланган. Бу борада аёлларимизга бўлган талаб янада жиддий қўйилган, хусусан, мусулмон ҳотин-қизлари учун рухсори, қўлларининг билаккача, оёқларининг тўпиққача ҳолатидан бошқаси оврат саналган. Бобоколонларимиз ҳар қалай бундай мақомни шунчаки танлашмагандир.

Хўш, энди нима бўляпти? Тўғриси, аёлларимизни кўча-кўйда ўраниб-чирманиб юрсинлар, деган фикрдан йироқмиз. Истиқлол юртда ҳамма нарса аста-секин ўз ўрнини топаётганидан мамнунмиз. Бизни бошқа нарса ўйлантирмоқда. Телевизорда намойиш этилаётган шармсиз фильмларни кўриб-кўрмай, ўчириб-ўчирмай тоқат қилиб турувдик. Зеро, кейинги пайтда учраб турган беҳаё суратлар кўпчиликни ранжитмоқда.

Тошкентнинг "Ал-Хоразмий мавзеси – Мустақиллик майдони" бекатлари оралиғида қатновчи 11-троллейбусдаги воқеа ёдга келади. Эрталаб ҳамма ишга, ўқишга ошиқади. Янги "Шкода" троллейбусини бошқараётган ҳайдовчи кабинасига катта телевизор экранидек ёпиштирилган расм диққатни тортади. Рангининг тиниқлигидан хорижда ишлангани кўриниб турибди. Расмнинг сифати ҳақида гап йўқ. Лекин мазмуни шарқона қарашларга мос эмас. Деярли ялангоч, жозибадор жувон сийнабанди танобини тортиб юборгудай ҳолатда нигоҳ узмай туради. Унинг ортида қадимий енгил машина. Бу расмда нима кўз-кўз қилинаётганлигини тушуниш қийин. Транспортда ноқулай манзара. Ёши улуғ ва ўзини тутиб олганлар юз ўгириб, бошларини сарак-сарак қилишарди. Ёшлар эса киши билмас унга тикилиш пайида... Умуман, бизда бунақанги расмларга ҳожат борми?

Тижоратчию ишбилармонларга ҳам ҳайронмиз. Бундай расмларни келтириш билан кимларни ҳайратга солишмоқчи? Соғлом авлод камоли ҳақида ғамхўрлик бошланган юртимизда тарбиячиларнинг эзгулик йўлидаги уринишларига путур етади-ку, бу аҳволда.

Шу ўринда тижорат дўконларидаги "тараққос" расмларининг кўпайиб кетаётганлиги ташвиш уйғотади. Ранго-ранг елим халталарини айтмайсизми? Кимнинг қўлига қараманг, ярим-яланғоч аёллар ёки "ошиқ-маъшуқ"лар жазаваси намоён елим халталар. Наҳотки, "Совпластитал" корхонасида ёки бошқа корхоналарда ўзимизга хос ва мос елим халталар тайёрлашнинг иложи бўлмаса. Қани энди қадимий шаҳарларимиз кўринишлари, ал Бухорий, ат Термизий, Улуғбек, Навоий, Бобур, Амир Темур, Боҳоуддин Нақшбанд пойқадамлари билан боғлиқ тасвирлар босилган елим халталар ишлаб чиқарилса. Ҳорижда ҳам қадриятларимизни тарғиб қилишга йўл очилармиди? Бундан ташқари, жаннат ўлкаси мева-чевалари, замонавий боғу хиёбонларимиз кимда ҳавас уйғотмайди дейсиз?!

Ҳайдар НОСИРОВ.

Арғумоқ остингдадур

ҚОРА ТУРП ШАРБАТИ

Билмаган одам турпнинг ҳам қораси бўларканми, дейиши турган гап. Олтиариқда турпнинг бундай тури етиштириладими-йўқми, билмадим. Умуман олганда, Ўзбекистон шароитида камроқ экилади. Лекин бозорларда учраб туради. Оддий турпга қараганда қораси дориворлик хосияти кўпроқлиги билан ажралади.

Маълумки, куз ойлари одамларда бод хасталиги қўзғалиб, бўғинларда оғриқ пайдо бўлиши, йиғилган тузларнинг азоб бериши кузатилган. Ш боис сизларга ана шундай нохушликларни бартараф этишга ёрдами тегадиган малҳамлардан бирини тавсия қилмоқчиман. Бунинг учун қора турпни топиб, яхшилаб ювиб, тозалаб, арчимасдан, майда қирғичда қириб, бир стакан шарбатини олиш лозим бўлади. Унга ярим стакан асал қўшилади. Кейин икки ош қошиғида сирка аралаштириб, шиша банкага солиб, оғзини ёпиб, салқин ва қоронғироқ жойда сақланади.

Бундай аралашмадан фойдаланиш осон. Айтайлик, оғриётган жойингизга аввалдан ўсимлик ёғи суртиб (акс ҳолда малҳам қуйдириши мумкин), боғлама ҳосил қилинади. Боғлама қирқ минутдан кейин олиниб, танангизнинг мазкур ери яхшилаб артилиб, қуритилади. Сўнг жунли мато билан ўралади.

Эртасигаёқ оғриқ қолиб, 5-7 кунгача ором оласиз. Лекин даволашни 10 – 15 кун давом эттирсангиз, шифосини берса, ажабмас.

МАРҒУБА БУВИ.

ГУРУНГ

Бир куни бир одам Чорсуда эканлигида ёмғир ёғиб юборибди. Шу яқин ўртада дўкони бор дўстининг олдига бориб, ундан шамсиясини омонатга сўрабди. Дўсти марҳамат, деб шамсиясини берибди. Шамсияни тутиб, ул одам кетибди. Эртасига келиб шамсияни қайтариб бериб, ташаккур айтибди. Орадан анча вақт ўтибди. Бир куни шамсия берган дўсти билан учрашиб қолибди. Салом берибди. Шамсия берган одам:

— Ўша куни шамсиямни бермасам ҳолинг кандай кечарди? — дебди. Шамсияни омонатга олган дўст:

— Ёмғирда қолиб бўкардим, — дейди.

Шамсия берган одамнинг феъли ёмон экан, шунинг учун қилган яхшилигини тўкмоқ қилиб бошга урар экан. Орадан анча кунлар ўтгач, яна улар учрашиб, шамсия берган:

— Агар ўшанда шамсия бермаганимда, ёмғирдан кандай беркинардинг? — деб ул одамнинг бошига яхшилигини яна тўқмоқдек урибди.

Бир марта эмас, икки марта эмас, бир хил таъна!

Шамсия олган охири шамсия олганига юз минг пушаймон бўлибди. Яна бир куни боғда, ҳовуз бўйида учрашиб қолибдилар, ёмон феъли ул одам:

— Менга қара! Ўша куни ёмғирда шамсия бермасам, ёмғирдан кандай беркинардинг, ҳолинг нима бўларди? — дебди.

Шамсия олиб юз минг пушаймон бўлган ул одам ҳеч нима демай, ўзини ҳовузга ташлабди. Ҳовуздан шалаббо бўлиб чиқибди ва:

— Мана бундай бўлардим! Аҳволим мана шундай бўларди! Сен ўзи кандай бадфеъл одамсан? Инсон дўстига яхшилик қилмайдими? Озгина яхшилигингни миннат қилавериб, бошга тўқмоқдек ураверса, қиёмат кун бўлади-ку! Берганинг омонат бир шамсия-ку, — деб тутоқиб ундан айрилибди.

Шу вақтдан бошлаб яхши одам у билан алоқани узибди. Бундай ёмон феъли дўстлардан, танишлардан Худо ўзи асрасин! Омин!

Юсуф ТОВАСЛИЙ.

Ҳикмат— хазина

ШАМСИЯ

ЁКИ ЯХШИЛИКНИНГ МИННАТИ

Шатранж оламида

ЖАҲОН ОЛИМПИАДАСИНИ КЎЗЛАБ

Чиннакам рақобат бор жойда ҳақиқат тантана қилади, дейдилар. Бу нарса спорт, жумладан, шахмат баҳсларида яққол намоён бўлади.

Жаҳон олимпиадасида қатнашувчи терма жамоамиз таркибида узил-кесил аниқлаш мақсадида ўтказилган саралаш мусобақасининг биринчи босқичи саккиз талабгорнинг энг сарасини аниқлаб бериши лозим эди. Мусобақанинг биринчи ярмидан сўнг талабгорлар сони тенг ярмига қисқарди, десак бўлади. Бешинчи турда иккала пешқадам ҳам мағлуб бўлгани масалани анча чигаллаштириб қўйди. Олтинчи турда ўйналган Ш. Сафин И. Каримов партиясида юз берувчи натижа кўп нарсани ойдинлаштириши керак эди. Тахтанинг маркази ва икки қанотида ривож топган мураккаб жанг Каримовнинг сипоҳ қурбони билан бошланган чиройли комбинацияси оқибатида унинг фойдасига ҳал бўлди.

Якунловчи еттинчи тур олдидан Каримов 4,5 В. Егин эса 4 очкога эга эдилар. Еттинчи турда Каримов – Раҳимов ва Воҳидов – Егин учрашувлари кескин баҳслардан сўнг бир хил натижа – дурангга имзо чекиш билан тугади. Шундай қилиб, бир ҳафта давом этган қизғин курашлар натижаси кейинги босқичга чиқиш ҳуқуқи етти имкониятдан беш очко жамғарган андижонлик спорт устаси Иброҳим Каримовга тегди.

Кейинги босқичда тўрт киши: республика чемпиони, халқаро шахмат устаси М. Салтаев, миллий спорт усталари С. Нодирхонов, С. Йўлдошев ва И. Каримов икки даврада ўзаро баҳслашадилар. Биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган иштирокчилар олимпиадада қатнашувчи терма жамоа таркибига киритилади.

Энг кучли хотин-қиз шахматчиларимиздан ўн нафари юқори нуфузли мусобақани якунладилар. Ҳар бир турдан кейин пешқадамлар сафининг ўзгариб туриши иштирокчиларнинг бир-бирига муносиб эканлигидан нишона эди. Ҳали бирор марта халқаро анжуманда қатнашишга улгурмаган қизларнинг донгдор рақиблари устидан ғалаба қозониши биринчи марта эмас. Ўйналган партияларни синчиклаб кузатган малакали томошабин етакчи аёл шахматчиларимизнинг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан анчагина етишиб қолганликларининг шоҳиди бўлишлари турган гап. Ўн кунлик тенглар тенги ўртасидаги курашлар туфайли 9 имкониятдан 6,5 очко олган спорт устаси Р. Мамедова биринчи, 5,5 тадан очко жамғарган спорт усталари А. Мкртчан билан А. Парфёнова иккинчи ва учинчи, энг ёш иштирокчи Е. Прокопенко тўртинчи, 4,5 тадан очко жамғарган Е. Крючкова, Н. Репрун ва А. Хегей 5-7 ўринларни эгаллаб, "Экономика и жизнь" ҳафталиги таъсис этган пул мукофотларини олишга сазовор бўлдилар. Унга кўра биринчи ўрин соҳиби 100 минг, иккинчиси 65 минг, учинчи ўрин соҳиби бўлган 45 минг, рубль билан мукофотланди.

Жаҳон олимпиадасига ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўриш мақсадида вакилларимиздан Т. Воҳидов, С. Йўлдошев, С. Загребелний ва М. Салтаев, Актюбинск шаҳрида давом этаётган гроссмейстерлар турнирида, Р. Мамедова, О. Ким, А. Хегей ва А. Мкртчан Чимкент шаҳрида бошланган аёллар халқаро турнирида қатнашмоқдалар. Бу ерда биринчи ўринни эгаллаган иштирокчи учун 500, иккинчи ўрин учун эса 400 ва учинчи ўрин учун 300 доллар миқдорида совринлар таъсис этилган.

Хуллас, жаҳон олимпиадаси олдидан дунёнинг ҳамма бурчакларида катак тахта узра баҳслар авжига чиқмоқда.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Қизириқ туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги аъзоси, бахши Абдуназар Поёнов дўмбирачилар ижодий жамоасига қарийб ўн йилдан бери раҳбарлик қилиб келади. Бу оилавий даста аъзолари бўш вақтларида мусиқага кўп эътибор беришади. Абдуназарнинг ўзи эса инженер-механик бўлиб ишлайди. Ҳозир оилавий дастада саккиз киши шуғулланмоқда. Туман ва вилоятдаги ҳеч бир байрам уларсиз ўтмайди.

СУРАТДА: оилавий даста аъзолари.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо тоқусидир!

ЎҒРИ ОМБОРЧИ

Рахбаринг масъулиятсиз, теваракдагилар бефарқ бўлишса — энг мақбул касб — омбор мудирлиги экан. Яна қандай омбор денг? Гилам фабрикасининг номиям улли, нониям улли омборчиси. Бу замонда нима камёб, гилам. Бу замонда энг харидоргир мол нима? Гилам. Демак, худо пешонангга худди шундай ўринни ёзган экан, ошиғинг олчи, киссанг тўла пул. Қўл дегани анови Калтаминор у ёқда турсин, Жамолунгма чўққисига ҳам етади. Қадим шаҳарда сендан қўли узун одамнинг ўзи йўқ. Бўлмайди ҳам.

Эндигина 23 ёшни қоралаган Шухратбек Хива шаҳридаги собиқ Н. Крупская номли гилам тўқиш фабрикасига 1989 йилда омбор мудири лавозимига ишга қабул қилинганида хаёлидан юқоридаги фикрлар ўтган бўлса ажабмас. Бўлмаса у чевар тўқувчиларнинг бетиним ва машаққатли меҳнати ҳосиласи бўлмиш сержило гиламларга кўз олайтирмаган, бир дарвозадан кириб-чиқиб юрган ҳамкасларининг халол ошига нафс панжасини урмаган бўларди. Эл-юрт орасида юзи қора бўлиб, қилғиликлари учун минг пушаймонлик чекиб ўтирмасди...

Тафтиш ҳужжатларидаги айрим фактларга эътибор беринг-а:

... 1990 йил июль ойида бахоси 985 сўмлик (ўша пайтдаги нарх) 9,85 метр квадрат кўлда тўқилган гиламни ўзига ўзлаштирган. Буни яшириш учун шаҳардаги 168-таъмирлаш-қурилиш бошқармаси идорасига шундай баходаги гилам берилди, деб сохта ҳужжат тузиб, ўлжани хисоботдан чикариб ташлайди.

... 1992 йилнинг июль ойида умумий бахоси 323 минг сўмлик жами икки юз метр квадрат гиламни сотиб ўзлаштиради ва Фарғона вилоятига жўнатилган гиламлар қаторига бу хисобда бор, аммо пули чўнтакда бўлган гиламларни хам қўшиб ёзиб, хисоботдан чиқариб ташлайди.

... Ўша йилнинг октябрь ойида эса жами бахоси 221775 сўмлик 85,73 квадрат метр гилам ва 58,13 квадрат метр палосларни ўзлаштириб, изига қор ёғдириш мақсадида хеч бир ҳужжатсиз чиқимга чиқаради.

... 1992 йилнинг 19 ноябрида эса фабриканинг бош муҳандиси Б. Раҳимовга хеч бир ҳужжатсиз 55,82 квадрат метр гиламни шундай "совға" қилади. Б. Раҳимов бу гиламларнинг бир қисмини нисбатан арзон бахода машинада тўқилган гиламларга айирбош қилиб, бир қисмини бош директорнинг кабинетига тўшайди, бир қисмини эса сахий омборчига қайтариб беради. Омбор мудири фақат гилам-палослар билан кифояланиб қолмасдан, гилам тўқиш учун хом аше бўлмиш жун ипларни, хатто кўрпа-тўшакларни ҳам хеч бир қийналмасдан, бирорта ҳакикий ҳужжатсиз ўз хисобига ўзлаштираверишган. Шу фабрикада ишлаётган кишиларнинг номларига гиламни тиркаб, уларнинг "хожатлари"ни чиқазганлари-чи?

Ана сизга адлу инсоф! Омборчининг эътибор берса жуда арзийдиган бир "нозик сири" бор: "... Бу пулларни фабрика иши билан хизмат сафарига борганимда сарфладим. Негаки, фабрика директори мени кўп командировкаларга жўнатарди".

Энди бу ёғи фабриканинг собиқ директори Ш. Матёқубованинг виждонига ҳавола. Нима деймиз, қарсак якка қўлдан чиқмайди...

Хоразм вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъати Хива гилам фабрикасининг собиқ омбор мудири Шухрат Дўсовнинг бу "камтарона айб"ларини кўриб чиқиб, уни икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилиш ҳақида ҳукм чиқарди. Шугинами дерсиз? Ахир у ярим йилдан кўпроқ хибсда сақланди. Судгача бўлган даврда фабрикага етказган зарарни қуртдек санаб ўз ёнидан тўлади. Энди эса ахлоқ тузатиш жабҳасида.

Хива гилам фабрикасининг ҳалол, лафзи бутун чевар тўқувчилари ошларига шерик бўлиб, нонларини туя қилган ўтригина омборчини ҳали узоқ вақт эслаб юрсалар керак.

Файзулла ЁҚУБОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим бошлиги, адлия маслаҳатчиси.

Жамғарма Банки

ҚИСҚА МУДДАТЛИ ДЕПОЗИТ ҲИСОБИ — СИЗГА ҚИСҚА МУДДАТДА ФОЙДА КЕЛТИРАДИ!

Бу янги омонат ҳисоблари 1994 йил 1 октябрдан киритилган ва бу ҳисоблар:

– 3 ой муддатга омонатнинг энг кам миқдори 300 сўм бўлганда 30% миқдорида даромад тўлаш шарти билан;

– 6 ой муддатга омонатнинг энг кам миқдори 200 сўм бўлганда 60% миқдорида даромад тўлаш шарти билан;

– 12 ой муддатга омонатнинг энг кам миқдори 100 сўм бўлганда 120% миқдорида даромад тўлаш шарти билан очилади.

Қисқа муддатли депозит ҳисоблари бўйича омонат фақат нақд пул билан очилади.

Тўлиқ маълумотларни Жамғарма банкининг хоҳлаган муассасасидан, ҳамда қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 45-35-49; 45-66-53; 33-51-95.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ.

КЎРСАТУВЧИГА БЕРИЛАДИГАН ОМОНАТ ТУРИНИ ОЧСАНГИЗ — СИЗ КЎПГИНА МУАММОЛАРДАН ХАЛОС БЎЛАСИЗ

Бу янги омонат тури 1994 йил 1 октябрдан киритилган бўлиб қуйидаги афзалликларга эга:

– омонатнинг сирлиги ва тўлиқ сақланишига кафолат берилади;

– пул қўйиш ёки олиш учун омонатчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинмайди ва фамилияси, исми, отасининг исми омонат дафтарчасида, ҳамда бошқа ҳужжатларда ёзилмайди;

Кўрсатувчига бериладиган омонат бўйича фоиз даражаси, талаб қилиб олинадиган омонат сингари 1994 йил 1 октябридан йилига 30% миқдорида белгиланган.

Қўшимча маълумотларни Жамғарма банкининг исталган муассасасидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 45-35-49; 45-66-43; 33-51-95.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ.

ҒАРОЙИБ ДУНЁ

ЭШИККА СИҒМАГАН ЖАСАД

• АМРИҚОЛИК Уолтер Хадсон ҳеч ўйламаганди, дунё бўйича рекорд ўрнатаман деб. У шунчаки тўйиб овқат ейишни хуш кўрарди. Буни қарангки, унинг номи Гиннеснинг "Рекордлар китоби"га тиркалди. Чунки у сайёрамизда энг семиз ва энг оғир одам, деб хисобланган, яъни 544 килолик тош босарди.

Ўшанда Уолтер бир қанча ноқулайликларга учраган: бировнинг кўмагисиз ўрнидан туролмас, турса хам юролмасди, хатто эшикдан сиғмай қолган.

Кейинчалик Уолтер яна рекорд ўрнатган — бу сафар озиш бўйича. У уч йил қаттиқ пархез сақлаган. Натижада вазнини 236 килога келтириб олган ва 18 йил мобайнида биринчи марта кўчага чиққан. Бироқ Уолтер яна пархездан воз кечди. Охир-оқибат у юрак хуружидан вафот этди. Қизиги шундаки, дафн марос мида яна бир муаммо туғилган — Уолтернинг жасади хеч бир эшикка сиғмасди.

* * *

Австралиянинг Брисбан шаҳрида ҳам худди шундай баҳайбат одам яшаб ўтган. У вафот этгач, уйидан чиқармоқ учун деворни бузишга тўғри келган. Юрак хасталигидан вафот этган 28 ёшли Кеннет Лажейнинг жасадини дафн этиш маросимида 13 полициячи, гўрковлар ва бир қанча кўнгиллиларнинг елкалари замбилдан яра бўлган. Жасадни уйдан чиқаргач, темир йўл тарозисига олиб бориб ўлчашганида, мархумнинг оғирлиги 433 кило чиққан.

ЭШИК ЎРНИГА ТАМБА

• КУНЛАРНИНГ бирида Америконинг Эмит-Харбор шаҳрида яшовчи Жон Финертининг нафас йўли шамоллаб қолган. Зўр-базур хаво олаётган 45 ёшли беморни дархол касалхонага етқизиш тақозо этиларди. Зудлик билан етиб келган шифокорлар бригадаси кутилмаган шароитдан гангиб қолишди. Касални ётган хонасидан олиб чиқишнинг имкони йўқ эди. Негаки, Жон Финерти хаддан зиёд бесўнақай бўлиб, эшикдан сиғмасди.

Шифокорларни тахлика ва ташвишга қўйган Жоннинг вазни 450 килограмм эди. Ўзини зўрга эплай оладиган бу киши истаган эшик ўрнида тамба вазифасини бажара оларди.

Касалликнинг ўқтин-ўқтин хавфли хуружи фавқулодда чорани қўллашга мажбур этди: кўмакка чақирилган кўтарма кран ёрдамида хаста ётган уйнинг деворини бузишдан ўзга илож қолмаганди. Махсус усти очилган "тез ёрдам" машинасида касалхонага келтирилган Жон анча бехол бўлиб қолганди.

Ватанни севиш ҳаммадан олидир!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шухрат ЖАББОРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90;
Бухорода — 3-54-87; Навоийда — 3-74-76; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-72-60;
Гулистонда — 2-26-22; ; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 6-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А – 2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти – 21.00. Топширилди – 21.00. Г – 1181, 72841 нусхада босилди. топширилди — 21.00.

Навбатчилар: Қ. АЛИ, Э. ЭСИРГАДИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41 - уй.

123456.